O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 18-fevral, 2009-yil • №8 (614) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

БОЙЛИК ОДАМНИНГ ЎЗ ҚЎЛИДА

Қишлоқда бугун ким бой, деган саволнинг жавоби ҳар жойда турлича бўлиши мумкин.- Шароитдан келиб чиқиб, тадбиркорликни уддалаётган ҳамюртларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Ҳаммаси одамнинг ғайрат ва шижоатига боғлиқ.

⇨ 2-бет

КИНОНИНГ РУҲАФЗО МАНЗАРАЛАРИ

Миллий кинематография тараққиёти учун ҳар бир фильм батафсил таҳлил қилиниши, мутахассислар томонидан ўрганилиши ҳамда холис баҳоланиши зарур. Зеро, юртимизда халқаро анжуманларнинг юксак совринларига сазовор бўлаётган асарлар билан бир қаторда фикран саёз кинолар ҳам ишланаяптики, улар томошабинларнинг эстетик савиясини ўтмаслаштириб юбориши табиий.

⇨ 7-бет

СЎЗГА САЙҚАЛ БЕРГАН АДИБ

У бир умр асарлари учун янги сўз ва характер излади. Уларни ўзига хос лаҳжада гапиртиришга эришди. Шу боис, бундан 45 йил аввал атоқли адиб Асқад Мухтор мақолаларининг бирида «Мен ёш дўстим Шукурнинг тасвирлаш маҳоратига ҳавас қиламан.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**
  Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов маъруза қилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 февраль куни Оқсаройда АҚШ қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Девид Петреусни қабул қилди.
  Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, қўшни Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, шунингдек, халқаро терроризмга, наркотрафикка, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш борасида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

- **13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг "2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.**

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган "Адвокатура ва ижро иши юритиш институтларини такомиллаштирилиши — суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

- **Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 февраль куни савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

МУЛОҲАЗА

УЙИНГИЗДА КОМПЬЮТЕР БОРМИ?

Биламан, замонавий телевизорингиз бор. Томингизда "тарелка" — паробал антенна ҳам бўлса ажаб эмас. Хўш, компьютер-чи? У жуда зарурат-ку! Тўғри, ТВ сизни дунё хабарларидан воқиф этади, ундаги концертлар дилингизга завқ-у шавқ ато этади. Аммо компьютер ҳам сизни дунё воқеаларидан ТВга нисбатан эртароқ бохабар этиши ва инчунун, ўзингиз истаган санъаткор ёки кинофильм дискини қўйиб томоша қилишингиз имконини беради.



Истаймизми-йўқми, ТВ бизни овунтиради ва андак дангаса ҳам қилиб қўяди. Компьютерда эса меҳнат қилишга тўғри келади ва ана шу ҳолат инсоннинг карахтликка мойил табиатига эрк бермайди. Бу мўъжиза билан ёзиш, ҳисоб-китоб қилиш, расмлар чизиш мумкин. Бугина эмас, интернетга уланган компьютер билан истаган манзилингизга хат ёзишингиз ёки қавмингиз билан бақамти гаплашишингиз, истаган саволингизга жавоб олишингиз, хоҳлаган китоб, газета, журнални ўқишингиз, ёзганларингизни унинг хотирасига жойлаб қўйишингиз мумкин. Буларнинг бари компьютер хизматларининг бир қисми, холос.

Тараққий этган мамлакатларда компьютер бўлмаган хонадонни топиш амри маҳол ва телевизордан кўра уни кўпроқ қадрлашади.

Тўғри, бизда ҳам бу муҳим масалага давлат миқёсида эътибор берилаяпти. Мактаб, коллеж, лицейларга янги компьютерлар олиб берилаяпти. Аммо бунинг ўзи етарли эмас. Компьютерлаштириш дастурини амалга оширишга жамоатчиликнинг ўзи жиддий киришмас экан, бу зарур юмуш оқсаб қолаверади. Кўп жойларда харид қилинган компьютерлар ишлатилмай тургани ачинарлидир. Бунга гоҳида электр токи бўлмагани, мутахассис етишмаслиги рўкач қилинади. Аслида эса, бунинг барини жонсўзлик ва фидойилигимиз оқсоқлиги билан шарҳласак тўғри бўлади.

Болакайларнинг компьютерда турли ўйинлар ўйнаб, вақтни йўқотишаётганидан нолишади, гоҳида. Аслида бу ҳол боланинг компьютер билан танишишининг илк қадами ҳам эканини унутмайлик.

Гап шундаки, кимки компьютер билан ҳақиқий маънода "тиллаша" билса, унинг фойдали жиҳатларини, қулайликларини англаб етгач, ундан меъёрида фойдаланишни ҳам эплайди. Ҳа, яна такрор бўлса-да, айтиш жоизки, айрим ёшларнинг компьютерга ҳаддан зиёд берилиб кетиб, ўқишни, ишни "унутиб" қўйиши ҳақида айтиладиган эътирозлар ҳам бор гап. Лекин бунинг учун ҳам компьютер айбдор эмаску! Аксинча, билим оламан деган инсонга бу тўртбурчак "ақлли машина" — холис кўмакчидир. Болаларимизга компьютерда ёзиш, графиклар чизиш, интернетдан фойдаланишни ўргатиш керак. Компьютер катта ёшдагилар учун ҳам зарурдир. Фараз қилайлик, сиз нафақага чиқиб ёки ишдан кетиб, уйда ўтириб қолдингиз. Баъзан дўстлар суҳбати ҳам, телевизор ва китоб ҳам ёқмай қолиши ва киши зерикиши мумкин. Зерикиш эса ғусса чекишнинг ва охир-оқибатда турли касалликларнинг бошланишидир. Агар сиз ёшингиздан қатъи назар, компьютер билан дўст бўлиб олсангиз, зерикишга вақт тополмайсиз. Манаман деган ва дилингизга яқин санъаткорларнинг, қизиқарли кинофильмларнинг дискларини олиб келасиз ва томоша қиласиз. Бир оздан кейин эса компьютер билан шахмат ёки шашка ўйнайсиз. Умр бўйи йиққан фотоальбомингиздаги суратларни ёки тўй-тантаналарингизда олинган видеотасмаларни компьютерингиз хотирасига кўчирасиз ва истаганингизни томоша қилиб ўтирасиз. Турли танишларингизга электрон хатлар ёзасиз...

Интернетга эса беҳисоб завқ-шавқ яширинганки, буни ишга киришганингиздан кейингина билиб оласиз. Интернет — бошқа матбуот турларидан фарқли равишда, рангбаранг хабарларга, маълумотларга бой ҳамда тезкор ахборот манбаи ҳам ҳисобланади. Унда сиз ошкора фикрлар билан ҳам танишасиз. Ўзингизнинг хусусий сайт ёки "блог"ингизни очсангиз, ижод учун янада кенг имконият очилади.

Қолаверса, ҳалиям айрим юртдошларимизда компьютерни фақатгина ишхоналарда ёки ўқув юртларида фойдаланиладиган "машинка" деб қараш фикри мавжуд. Бу тушунча мутлақо нотўғри, ахир!

Ўзим сайт очганимга бир йилча бўлиб қолди. Ва энг маъқул мақола ва ҳикояларимни айнан сайт орқали эълон қилиш мақсадга мувофиқ экан, деган хулосага келдим. Сиз менинг сайтимга кирсангиз (www.nusratrahmat.ru) бунга ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Аммо надоматлар бўлгайким, ўзбекча шарҳу тафсилотлардан кўра рус тилида ёзилганлари кўпроқ бўлиб қолаяпти. Бу эса бизнинг компьютер саводхонлигимиз оқсоқлигидан далолатдир.

Аслида ушбу мавзуда олдин ҳам республика матбуотида чиқишлар қилганман. Бу ҳақида такрор ва такрор қалам тебратаётганим бежиз эмас. Чунки компьютер технологиялари ҳаётимизга катта қадамлар билан кириб келаяпти. Бу жараён бутун дунёда шундай кечмоқда. Шу боисдан ҳам яқин йилларда компьютерни билмаслик илмсизлик, савиясизлик ҳисобланишидан хавотир тортишимиз, фарзандларимизни унга дўст қилишимиз керак.

Нусрат РАҲМАТ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши

Адлия вазирлигида 2008 йил якунлари ва 2009 йилги режалар бўйича кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Ҳайъат йиғилишини адлия вазири Р.Муҳитдинов олиб борди.

Унда Адлия вазирлиги ҳайъатининг аъзолари, вазирлик марказий аппарати бошқармалари, адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ўтган 2008 йил давомидаги фаолияти ва 2009 йилда соҳани янада ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари белгилаб олинди. Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, адлия органлари ва тизимга кирувчи муассасалар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама этилди.

Хусусан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Инқирозга қарши чоралар дастуридаги 2009 йилда кўзда тутилган тадбирлар ва имтиёзлар асосида миллий қонунчилигимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан аниқ кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, вазирлик томонидан жами 909 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, улар юзасидан хулосалар берилди. 255 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни сўраб фуқаролардан адлия органларига келиб тушган мурожаатлардан 1374 таси қаноатлантирилди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида 40 та вазирлик ва идоралар томонидан жами 814 мингта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган бўлиб, унинг 42 мингдан ортиғи адлия органлари ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг иш юритувидаги мавжуд ижро ҳужжатларидан 2 трлн. 750 млрд. 53 млн. сўмлиги ёки 85 фоизи ижроси таъминланди.

2008 йилнинг сентябрь ойида тузилган Адвокатлар палатасининг мақсад ва вазифалари ҳамда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида адлия органларининг саъй-ҳаракатлари билан 84 млрд. 952 млн. сўмлик 38 минг 462 та даъво аризалари қаноатлантирилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, мажлисда адлия органларининг 5 минг 387 та тақдимномаларига асосан 1 минг 33 та турли ноқонуний ҳужжатлар бекор қилиниб, ижроси тўхтатилганлиги, ноқонуний олиб қўйилган 15 млрд. 28 млн. сўмлик маблағ ўз эгаларига қайтарилганлиги, шунингдек, қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг 66 нафари жиноий, 1 минг 19 нафари маъмурий ва 6 минг 126 нафари интизомий жавобгарликка тортилганлиги, шундан 423 нафари лавозимидан озод этилганлиги эътироф этилди.

Шунингдек, мажлис давомида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида адлия органларига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

Ҳайъат мажлиси танқидий руҳда ўтиб, ўтган йил давомида айрим адлия органлари ва муассасалари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди ҳамда келажакда ушбу камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Адлия вазирлиги ахборот хизмати.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ФУТБОЛИ

Дилшод НУРАЛИЕВ:

"Бизда арзимас иш бўлмайди"

Футболнинг ашаддий ишқибозлари суҳбатида бўлганмисиз? Одатда улар ўзаро гурунгни шундай бошлашади.

— Эҳ, рақибларимиз Александр Гейнрихни йиқитишмаганида, ғалаба нақд бўларди.

— Сервер Жепаровнинг жаримадан берган зарбаси сал пастдан кетганида борми...

— Асрор Алиқулов рақиб ҳужумчисини тўхтатиб қолганида эди...

Кейин гаплар ўз-ўзидан бир-бирига уланиб кетаверади. Кимдир мураббийларимиздан нолийди, кимдир ёнини олади. Кимдир ҳамма айбни ҳакамга ағдаради.

Ҳаммамиз ўйинни одатда шу тарзда таҳлил қиламиз. Аламли мағлубиятларни унутмоқчи бўламиз. Булар ўзимизни овутиш учун чиқарилган таскинлар, холос.

Аслида эса қувончли ғалабаларга йиллар давомида замин тайёрланади. Муваффақиятларнинг асосий омили шубҳасиз маҳоратли ёш футболчиларни тарбиялашдир.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Осиё футбол конфедерацияси (ОФК)нинг "Осиёга назар" лойиҳаси делегацияси Тошкентда меҳмон бўлиб, пойтахтимиздаги футболнинг мавжуд аҳволи хусусида маълумот тўплади. Ташриф давомида делегация аъзолари "Пахтакор" футбол клуби билан ҳам яқиндан танишишди, яратилган шарт-шароитлар ҳамда амалга оширилаётган ишларни ўрганишди. Лойиҳа раҳбари Брендон Менсоннинг таъкидлашича, мазкур клуб тажрибаси қитъада футболнинг янада тараққий этишига кўмаклашиши шубҳасиз.

"Осиёга назар" лойиҳаси дастурида болалар ва ўсмирлар футболига асосий йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилгани диққатга сазовор. "Пахтакор" футбол клубида эса бу борада бой тажриба тўпланган. Аммо фарзандининг машҳур футболчи бўлиб етишишини истайдиган ота-оналарнинг барчаси ҳам бу ерда яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлардан бохабар эмас. Шунинг учун ҳам баъзи истеъдодли ёшлар фақат кўчада тўп тепиш билан умрини ўтказаяпти.

6 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Шарқий Осиёга сафар



АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарини бошлади. У сафари давомида Япония, Хитой, Жанубий Корея ва Индонезияда бўлади. Давлат котиби йўлга чиқишдан олдин журналистлар билан учрашиб, аввалги ҳукумат Осиёдаги шерикларини унутиб қўйганини айтди.

Унинг таъкидлашича, Буш Оқ уй раҳбари бўлган даврда Шимолий Кореяга нисбатан ҳам ноҳақлик қилган. 1994 йилда АҚШ ва КХДР ўртасида тузилган шартноманинг бекор қилиниши икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бутунлай тўхташига олиб келди. Энди Вашингтон Осиёга алоҳида эътибор қаратади.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

ЖАВОБ

Иш қайта кўриладиган бўлди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан "Hurriyat" газетасининг 2009 йил 14 январь сонида чоп этилган "Таҳририят нега кўчада қолди?" сарлавҳали мақоласи ўрганилди.

Аниқланишича, даъвогар — "Пахтакор" газетаси таҳририяти Андижон вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Избоскан туман ҳокимлигининг "Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида"ги 2000 йил 23 апрелдаги 159-сон қарорини бекор қилишни сўраган.

Андижон вилоят хўжалик судининг 2008 йил 20 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, Избоскан туман ҳокимлигининг "Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида"ги 2000 йил 23 апрелдаги 159-сон қарорига асосан Пойтуғ шаҳар, И.Тўхтабоев кўчасидаги Избоскан туманлараро босмахонасининг бино ва иншоотлари жойлашган 5497 квадрат метр ер майдони Избоскан туманлараро босмахонасига доимий фойдаланиш учун бириктириб берилган ҳамда туман давлат кўчмас мулк кадастри бўлимига ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олингани тўғрисида гувоҳномалар бериш топширилган.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 122-моддасига мувофиқ биринчи инстанция суди ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида ишда иштирок этиш учун Избоскан туманлараро босмахонаси ва туман давлат кўчмас мулк кадастри бўлимини низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида жалб этиш, тарафларни муросага келтириш чораларини кўриш масалаларини ҳал этмаган.

Суднинг ҳал қилув қарорида ҳавола этилган Андижон вилоят ижроия қўмитаси ва вилоят ҳокимлигининг қарорлари тарафлардан талаб қилиб олинмаган ҳамда иш ҳужжатларига қўшилмаган.

3 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Бойлик одамнинг ўз қўлида

— Ўн йиллар илгари оиламиз дастурхонида чой, нон ва шакардан бошқа егулик бўлмаган. Тўғри, битта сигиримиз бор-йўғи уч литр сут берарди, емиши фақат қуруқ пичан эди-да. Ўзимча ўйлардим, қозон қайнаб турибди, эски бўлса ҳам кийим бор, ёмғир-қордан пана бўладиган уйим иссиқ. Хўш, яна нима керак одамга? Кўп ўтмай қишлоқда ҳар ўн қадамда дўкончалар, уч-тўртта тегирмонлар қурила бошланди. Қарасам, болаларим катта бўлиб, топган беш-олти сўмим на энига, на бўйига етади, — деб ярим ҳазил, ярим чин қилиб ҳикоясини бошлади Ражаббой.

Унинг олдинги лақаби Ражаб индамас эди. У бировга қўшилолмас, давраларда гапиришдан кўра кўпроқ эшитарди. Ҳозир ҳам у салмоқланиб гапиради. Ерга қараб ишини қилиб юрган "индамас одам" энди қандай қилиб Ражаббойга айлангани ҳақида сўзлай.

Кунларнинг бирида катта ўғлининг мазаси қочиб, касалхонага тушиб қолди. Дори-дармон учун қўни-қўшнилардан анчагина қарз кўтарди-ю, ундан қутулишнинг йўлини тополмади. Емиши пичанга қолган сигир сотилди ҳамки қарздан қутулиб бўлмади. Қарзни сўраб келувчиларнинг эса қадами узилмасди. Можарога маҳалла оқсоқоли аралашди. Аччиқ-аччиқ гаплар бўлди, айниқса, оқсоқолнинг бир гапи жуда оғир ботди:

— Эру хотин болаларингни ёнингга олиб, томорқангдаги 15 сотих ернинг 10 сотихига плёнка ёпиб, парник қилмайсанларми? Дангасанинг экини — жўхори. Қара, бир уйда тоғни урса, талқон қиладиган олти одам: Кирасизлар, чиқасизлар, баракадан дарак йўқ. Дунё қизиқ экан, куч топган ақл топмайди, ақл топган куч топмайди. Билмадим, сенда қайси бири йўқ...

Бу гаплар Ражабнинг гапи жонжонидан ўтиб кетди, вояга етиб қолган икки ўғли, икки қизи олдида "ақли йўқ" одамга айланди. Эртаси куни маҳалланинг этагида иссиқхонаси бор одамникига бориб, кечгача ишлаб келди. Ишлаш мобайнида атрофга разм солди, қўлидан келадиган юмуш. Плёнкани ушлаб турадиган "каркас"ларни томорқасидаги беш-олтита толнинг новдасидан ясаса ҳам бўлади. Отаси билиб тол экиб кетган экан.

Хуллас, икки йил деганда, иссиқхонани юритишнинг ҳадисини олди.

Қишда помидор, бодринг ва кўкатлар, баҳорда карам билан картошка экди. Даромадига иккита соғин сигир олди, кенжа қизи сутни қаймоқ чиқарадиган аппаратда ишлаб, қолганини қатиққа айлантирди. Ўртанча ўғилга тегирмон очиб берди, бугдой, шоли деганлари келиб туради-да. Катта ўғли, ўзи ва хотини "парник" билан овора. Кейинги йили икки қўшнисининг 10 сотихлик томорқасини олиб, иссиқхонани кенгайтирди. Бу орада иккита "Дамас" автомашинаси сотиб олиб, бири билан бозорга юк ташиса, иккинчисини ижарага берди. Ишлар юришиб кетди, даромад борган сари кўпайди.

Қишлоқдаги болалар боғчасига бир миллион сўмлик ёрдам кўрсатганида, орқасидан кулганлар ҳам бўлди: "Аввал уйингни тузатиб олмайсанми?". Ражаб бу гапларга эътибор бермади. Қишлоғидаги симёғочларга ёритгичлар ўрнаттирди. Кейинчалик оилавий шароити ночор икки йигитнинг тўйини ҳам ўтказди, бир оилага соғин сигир ҳадя қилди. Одамлар уни Ражаббой деб чақира бошлашди...

— Худога шукр, дастурхонимдаги битта ноним иккита бўлди. Болаларим меҳнат қилишни ўрганди, буёғига ҳам Аллоҳ кам қилмасин ака, ётиб еганга тоғ чидамайди, деганлари рост экан — дейди у. Шу пайт сумка тўла пул кўтариб, бир йигит келди. Ражаббой менга қараб:

— Тўртта машинани расмийлаштириб, маршрутга қўйганман, бир ойлик пулини мактабимиз болаларига спорт анжомлари олишга ишлатаман, — деди. Илиқ хайрлашдик. Ҳа айтмоқчи, Ражаббойнинг ўғли касал бўлганда олган қарзларини қандай тўлаганини айтмабман-ку. Биринчи йили иссиқхонадан чиққан ҳосилни эру хотин бозорга сотиб келган куни қарздан қутулишибди. Ўша пайтда қарзни сўраб, қистаганлар ҳозир ундан уялиб юришармиш...

* * *

...Камолбойнинг деҳқончиликдан хабари йўқ. Чорвага қизиқади, айниқса, ёш бузоқчаларни олиб, парваришлаб, семиртириб сотишни яхши кўради. Шунинг учун ҳам уйида ҳар доим иккита новвос боқар, салкам 1 тоннагача гўшт қилмагунича, қассобларга топширмас эди. Лекин иккитадан ортиқ новвос ушламас, бунинг сабабини ўзи биларди.

Отаси бу дунёдан бир қўли ногирон ҳолда ўтди. Болалигида отасидан нега қўлингизнинг ярми йўқ, деб сўраганида, эшитганлари шу бўлган: 30-йилларда бувасининг рўзғори иккита соғин сигирга қолган кезлар экан. Колхозлаштириш бошланиб, ҳамманинг молини тортиб оладиган пайт келибди.

Бир куни эрта тонгда бир милтиқли киши билан шўро раиси келиб, икки сигирни олиб кетадиган бўлди. "Сенларга битта бузоғи етади, шуни катта қилиб, сутини ичасанлар",— деб сигирларни ҳайдаб кетаётганида, отаси 10 яшар бола экан. Олдинга ўтиб, сигирларни уйга қайтаришга уринган чоғида, милтиқли киши унинг қўлига қўндоқ билан шунақанги урибдики, елкадан пастгача қўл суяклари парчаланиб кетибди. Шу-шу отаси бир умр ногирон бўлиб қолибди. Шунданми, ота уйда мол кўпайтиришга қўймасди. Фақат умри сўнггида Камолбойни ёнига чақириб:

— Болам, мол кўпайтирадиган замон келди, энди билганингни қил. Лекин бир нарсани эсингдан чиқарма, қишлоқда яшаган одам бой бўлишни истаса, ер билан молга меҳр қўйсин. Одамни бой қиладиган шу иккови, — деган экан.

Камолбой интилишларининг тизгинини бўш қўйди. Давлатдан кредит олиб, аввалига иккита молхона қурди. Сўнг 10 та зотдор новвос ва 2 та соғин сигир келтирди. Новвосларни гўштга боқса, сигирларнинг сутини рўзғорга ишлатди.

Ҳозир Камолбойнинг 12 та новвоси ва 5 та соғин сигири бор. Қирдан 10 гектар ер олган, озуқабоп экинлар экади. Атрофига эккан 5 минг дона тераги етилиб қолди, донасини 50 минг сўмдан сўраб туришибди. Ҳисоб-китобини ўзингиз қилиб олаверинг.

— Топган-тутганимизга уй солдик, ўғилларни уйлаб, қизларни чиқардик. 10 та хонадонга газ улатиб бердим, ички кўчаларни асфальт қилдим, мактаб буфетига ҳар куни 20 литр сут бераман. Икки нафар ишчим бор, уларнинг ўғиллари тўйини ўтказдик. Буёғига ҳам баҳоли қудрат ёрдам бераверамиз, — дейди Камолбой камтаринлик билан.

Қишлоқда бугун ким бой, деган саволнинг жавоби ҳар жойда турлича бўлиши мумкин.Шароитдан келиб чиқиб, тадбиркорликни уддалаётган ҳамюртларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Ҳаммаси одамнинг ғайрат ва шижоатига боғлиқ.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

ҲАРАКАТЛАНУВЧИ МОБИЛ КЛИНИКА

Пойтахтимиздаги "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий марказида "Hyundai-Мобил клиника"синининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

214 минг 341 АҚШ доллари қийматидаги мазкур ҳаракатланувчи мобил клиника Корея халқаро соғлиқни сақлаш – Доктор Ли Жунг-Вук хотира жамғармаси томонидан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасига тақдим этилди. "Hyundai-Мобил клиника"си республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолини мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатишда катта қулайликларга эга.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш вилоят комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда 2008 йилда ОИТС вирусидан зарарланганлар сони вилоятда 55 нафарни ташкил этганлиги таъкидланди. Биргина Қарши шаҳрида ўтган йили 2 минг 261 та никоҳ қайд этилиб, 4 минг 320 нафар турмуш қураётган йигит-қиз Қарши шаҳар марказий поликлиникасининг "Оила ва никоҳ" бўлимида тиббий кўрикдан ўтказилган. Ачинарлиси, текшириш давомида улар орасидан 4 та ОИТС касаллигини юқтирганлар борлиги аниқланган.

Пўлат ГАДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

"ПАМПЕРС" ИЧИДАГИ ГЕРОИН

Яқинда "Тошкент — Нукус" йўналиши бўйича ҳаракатланаётган 11 АБ 752 давлат рақамидаги "Икарус" русумли автобусни текширувдан ўтказган Бухоро вилоят ИИБ ЙПХ бошқармаси ходимлари "Дик" лақабли хизмат ити ёрдамида навбатдаги жиноятни фош этишди.

Самарқандлик Ҳусниддин Назаров ва унинг рафиқаси Васила Файзиевалар 9 ойлик фарзандининг таглиги (памперс) ичида яширин равишда 481,7 грамм героин моддасини олиб кетаётган экан. Норасида гўдакни ҳам ўзларининг қабиҳ жиноятларига шерик қилган фирибгарлар қўлга олиндилар.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида "5+1" ёш ижодкорлар гуруҳининг "Вертикал" номли санъат кўргазмаси очилди.

Икки йилдан буён ўтказилаётган кўргазма ёш рассомларнинг ҳаёт фалсафаси ҳақидаги фикрларини санъатнинг турли кўринишларида ифода этиб, томошабинга янги ғоялар бағишлаши билан ҳам аҳамиятли. Кўргазмада қалбни ларзага келтирувчи, ҳар бир томошабин ички дунёсига мос бир нафас борки, у инсонга бир неча лаҳза бўлса-да, ўзга бир оламда яшашга ва бошқа тоифада фикрлашга имкон беради.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ИЧИМЛИК СУВИ

"Қорақалпоқ сув қурилиш" акциядорлик жамияти жамоаси Кегайли туманида ўтган йили 13 километрлик янги сув тармоғини ишга туширди.

2009 йилда эса янада салмоқли ишларни амалга ошириш кутилаяпти. Жумладан, 14 та аҳоли пунктида фуқароларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида янгидан 22 километрлик сув тармоқлари тортилади. Бундан ташқари, 25 та насос қурилиб, 12 та қудуқни фойдаланишга топшириш каби ишлар амалга оширилади. Белгиланган режани бажариш учун аллақачон ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Ғойиб ЁҚУБОВ
"Hurriyat" мухбири.

БОЗОР ЭЛЕКТРОН ТИЗИМДА ИШЛАМОҚДА

Фарғона шаҳар "Марказий деҳқон бозори" ўз фаолиятини вилоятда биринчи бўлиб, электрон тизимга кўчирди. Бунинг учун барча савдо расталарининг ўринлари рақамлаштирилди.

Эндиликда маҳсулот сотувчи киши дарвозадан патта олмай, юкини тўғридан-тўғри тегишли жойга келтириб туширади-да, эгаллаган жой рақамини раста бошидаги электрон хизмат пунктига маълум қилиб, белгиланган прейскурант асосидаги тўлов ҳақини компьютерга туширтиради. Кўриб турибсизки, нақд пул илгаригидек "қўлдан-қўлга" эмас, балки бир лаҳзанинг ўзидаёқ бозор маъмуриятининг банкдаги ҳисоб-рақамига ўтади.

Солиҳ ҚАҲҲОРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ASAKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!
"АСАКА" банки (ОАЖ)

миллий ва хорижий валюталарда янги омонат турларини таклиф этади.





МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР.

1.**"БАҲОРГИ"**
Сақланиш муддати — 7 ой.
Омонат бўйича йиллик 26% ҳисобланади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР.

1.**"КАФОЛАТ"** АҚШ долларида.
Сақланиш муддати — 9 ой.
Омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
Сизнинг омонатларингиз:
—солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
—маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
—эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
—миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1.Тошкент шаҳар филиали	(371)	120-83-14
2.Автотранспорт филиали	(371)	120-39-95
3.Шайхонтоҳур филиали	(371)	120-84-26
4.Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5.Сирғали филиали	(371)	258-67-49
6.Тошкент вилоят филиали	(371)	120-84-13
7.Андижон вилоят филиали	(374)	224-40-96
8.Асака филиали	(374)	233-13-69
9.Фарҳод филиали	(374)	226-62-37
10.Фарғона вилоят филиали	(373)	224-70-83
11.Марғилон филиали	(373)	237-12-37
12.Олтиариқ филиали	(373)	432-10-11
13.Қўқон филиали	(373)	552-61-04
14.Наманган вилоят филиали	(369)	226-94-75
15.Навоий вилоят филиали	(436)	223-54-32
16.Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17.Бухоро вилоят филиали	(365)	223-71-94
18.Бухоро шаҳар филиали	(365)	224-24-29
19.Самарқанд вилоят филиали	(366)	227-35-85
20.Афросиёб филиали	(366)	234-18-10
21.Қашқадарё вилоят филиали	(375)	221-12-93
22.Сурхондарё вилоят филиали	(376)	770-82-12
23.Қорақалпоғистон филиали	(361)	223-72-47
24.Хоразм вилоят филиали	(362)	226-97-78
25.Сирдарё вилоят филиали	(367)	225-44-03
26.Жиззах вилоят филиали	(372)	226-43-11

Хизматлар лицензияланган

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

сифатида ТИФ Миллий банкнинг Самарқанд вилоят бўлими томонидан чет эл инвестицияларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Самарқанд вилоятидаги паррандачиликка ихтисослашган "Оғалиқ Ломанн парранда" Ўзбекистон—Германия қўшма корхонасининг асосий фаолияти "Ломан Браун" тухумлари, шунингдек, "Ломан Браун Классик" наслли жўжалари ва гўшт етиштиришдан иборат. Хўжалик замонавий ва жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган зарур жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, юртимиз аҳолисини арзон ҳамда сифатли парҳез маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб улуш қўшиб келмоқда. Айни пайтда бу ерда 314 минг бош наслли паррандалар парвариш қилиниб, кунига бир неча юз минг дона тухум тайёрланаяпти.

Корхона ҳар йили ишлаб чиқараётган маҳсулотлари миқдорини ошириб бораяпти. Масалан, 2005 йилда 56 миллион 324 минг дона тухум етиштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 61 миллион 592 минг донани ташкил қилди ёки бу маблағ ҳисобида 10 миллиард 978 миллион 484 минг сўмга тенг. Бу табиийки олинаётган соф фойда миқдорининг кўпайишига ҳам омил бўлмоқда. Хусусан, бултур 113 миллион 547 минг сўм миқдорида фойда олинди.

Қўшма корхона иқтисодиётининг мустаҳкамланиб борилаётганида, муваффақиятларни қўлга киритишида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Самарқанд вилоят бўлимининг алоҳида ўрни бор. Боиси паррандачилик хўжалигининг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжи ўз вақтида қондириб борилмоқда. Масалан, ўтган йилларда кредит ҳисобига Германиянинг "Ломан Тирцухт" фирмасидан 5 та замонавий товуқ сақланадиган ускуна харид қилинди. Ҳаммаси бўлиб молиявий муассаса томонидан ўтган даврда қўшма корхонага 2 миллиард 430 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Булунғур туманида жойлашган "Афросиёб мева" Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси ҳам мазкур банк мижози ҳисобланади. Жамоанинг асосий фаолияти ҳўл меваларни қайта ишлаш, мева концентрати ва томат пастаси тайёрлашдан иборат. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 100 фоизи Россия Федерацияси ва Украинага экспорт қилинаяпти. Масалан, ўтган йили ҳаммаси бўлиб 2817 тонна маҳсулот четга жўнатилди.

— Бизнинг бундай кўрсаткичларга эришишимизда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Самарқанд вилоят бўлимининг ёрдами катта бўлмоқда, — дейди қўшма корхона раҳбари Аловуддин Тожиев. — Масалан, кредит ҳисобига Италиядан қиймати 3 миллион 200 минг АҚШ долларига тенг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган "FBR Elpo" технологиясини харид қилдик. Фаолиятимизни ривожлантириш ҳисобига кредит маблағларини устама фоизлари билан ўз вақтида қайтардик. Биз банк кредитларидан доимо фойдаланиб келаяпмиз. Умуман ҳаммаси бўлиб, ҳозиргача 4 миллиард 948 миллион 180 минг сўм миқдорида кредит олиб, корхонани қайта таъмирлаб ускуналарни модернизация қилдик. Бундай молиявий ёрдам жамоамизнинг иқтисодий жиҳатдан юксалишида айни муддао бўлмоқда. Бунинг учун молиявий муассаса жамоасидан миннатдормиз.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Самарқанд вилоят бўлими фаолиятида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Молиявий муассаса асосий эътиборни чет эл инвестициясини олиб кириш орқали иқтисодиётимизни ривожлантиришга ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу борада халқаро молия институтлари

билан ҳамкорликда шартномалар имзоланмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 9 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилга мўлжалланган Инвестицион дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Хитой Давлат тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция олишга битим тузди. Унга мувофиқ "Афросиёб мева" корхонасига 846 минг 732 доллар, "Тожи Фазли Элбек" фермер хўжалигига яхна ичимликлар ва мева шарбатини қадоқлаш ускунасини сотиб олиш учун 712 минг 300 доллар ажратилди.

Банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, ўтган йили молиявий муассаса ўз маблағлари ҳисобидан мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб белгиланган мазкур соҳага 27 миллиард 335 миллион 300 минг сўм миқдорида кредит ажратиб, бу борада белгиланган режа бир неча баробар ошириб бажарилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, юзлаб иш ўринлари яратилди. Энг муҳими, тайёрланаётган товарлар сифати жиҳатидан хорижникидан қолишмаётгани туфайли импорт ҳажми камайди.

Молиявий муассаса фаолиятида Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги қарорига кўра, 730 миллион 200 минг сўм миқдорида кредит ажратилиб, кам таъминланган оилалар соғин сигирга эга бўлишди. Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида белгиланган режалар ҳам ортиғи билан уддаланди. Масалан, 659,8 миллион сўмлик ипотека, 351,7 миллион сўмлик истеъмол, 309 миллион сўмлик микрокредитлар берилиб, ёш келин-куёвларни уй-жой билан таъминлаш, рўзғорини бутлашда ёрдам кўрсатилди.

Банкнинг вилоят бўлими мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам ўз улушини қўшиб келаяпти. Масалан, иссиқхоналар қуриш бўйича 3 та лойиҳа амалга оширилиб, уларга етарли миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Шу билан бирга, фермерларга 73 та турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникаси харид қилиши учун 1 миллиард 456 миллион 800 минг сўм миқдорида кредит ажратилган.

Савдо ва аҳолига сервис хизмати кўрсатиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Пировардида дўконларда товарлар кўпайиб, фуқароларга хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик. Хусусан, дўконлар қурилиши бўйича 3 та лойиҳа учун 70 миллион сўм, дўконларни таъмирлаш учун эса 5 та лойиҳага 53 миллион сўм кредит ажратилгани фикримизнинг исботидир.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш борасида ҳам амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Ҳаммаси бўлиб, миллий ва хорижий валютанинг сўмдаги эквивалентида 17 миллиард 182 миллион 800 минг сўм миқдорида маблағ фуқаролар томонидан турли омонатларга қўйилди. Бунда табиийки, омонатларнинг даромадлилиги ва жозибадорлиги одамларни жалб этди. Айни пайтда омонатга пул қўйиб, мўмай фойда олаётган одамлар кўп. Бу табиийки, аҳолининг банкка бўлган ишончининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Банк томонидан муомалага чиқарилаётган пластик карточкалар ҳам оммалашиб бормоқда. Улар қулайлиги ва қўйилган пул маблағларининг кўпайиши билан фуқаролар орасида қизиқиш уйғотмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 72 минг 236 дона пластик карточка муомалага чиқарилгани ҳам фикримизга исбот бўла олади. Пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган савдо терминаллари сони ҳам кўпайиб бораяпти. Шу кунгача савдо шохобчалари ва ташкилотларда 219 та терминал ўрнатилган бўлиб, ўтган йилнинг ўзида улар орқали 3 миллиард 61 миллион 700 минг сўмлик савдо айланмаси амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Самарқанд вилоят бўлими мижозларга намунали хизмат кўрсатиш билан бирга вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳам улуш қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳосил КАРИМОВ ®

Таҳририятга хатлар

НАМУНАЛИ ҚЎЛЛАНМА

Қашқадарё вилоят шифокорлари орасида биринчи бўлиб номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Баҳодир Аминов 200 дан зиёд илмий мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмалар, монографиялар муаллифи ҳисобланади. Устознинг Туроб Тиловов билан ҳамкорликда ёзган "Одам ва унинг саломатлиги" ўқув қўлланмаси Халқ таълими вазирлиги томонидан энг яхши дарслик сифатида маъқулланиб, мана 15 йилдирки, мамлакатимиздаги барча мактабларда ўқитиб келинмоқда. Қувонарли жиҳати, у — ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, рус, қирғиз, туркман, тожик тилларида етти марта нашр этилди.

Адиба НОРОВА,
Қашқадарё вилояти.

НОДИР АСАРЛАР

Соҳибқирон Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Навоийнинг "Хамса", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" каби кўплаб ноёб китоблари кўп нусхада қайта чоп этилиб, сотувга чиқарилса, республикамизнинг барча туман ва қишлоқ мактабларигача етиб бориши йўлга қўйилса, айни муддао бўларди. Маънавий меросимиз бўлган бу асарлар тарбиячиларнинг онгини маънавий жиҳатдан юксалтириб, ёшларнинг комил инсон бўлиб вояга етишига ҳисса қўша оладиган муҳим воситалардир.

Турсунали ЮСУПОВ,
Фарғона вилояти.

ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧ ҚАНИ?

2006 йил апрель-май ойи иш ҳақимдан янги электр ҳисоблагични ўрнатиб бериш учун 20 минг сўм пул ушлаб қолишган эди. Ваҳоланки, ўша пайтда ҳисоблагичлар давлат томонидан текин берилган экан. Воқеага аниқлик киритишни талаб қилганимизда пулнинг ярмини электр энергияси учун тўлов дафтарчасига қайд этиб, ҳисобимизга ўтказиб беришди. Қолгани эса... Бу ҳам майли. Ваъда қилинган ҳисоблагичлар эса ҳамон дарак йўқ. Яқинда назоратчилар келиб, "Эски ҳисоблагични ишлатиш тақиқланган, янгисини ўрнатинглар", — деб жарима ҳам солиб кетди. Туманимиз — Форишда бизга ўхшаб алданган кишилар жудаям кўп. Қизиқ, йиғиб олинган пуллар кимнинг чўнтагида кетди экан?

Ҳамид ШАРИПОВ,
Жиззах вилояти.

ТОЖМАҲАЛНИНГ СИРИ

Дунёнинг етти мўъжизасидан бири сифатида тилга олинадиган Агрдаги Тожмаҳалга борадиган кўча номи Шоҳ Жаҳон деб аталаркан. Усти оқ мармар билан қопланган ҳашаматли мақбара бобурийзода Шоҳ Жаҳон томонидан суюкли ёри Мумтозмаҳал хотирасига қурилган. Дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб сайёҳлар мўъжизавий севги тожини ҳайрат билан томоша қилади. Уни инсон зоти борки, кўргиси, зиёрат қилгиси келаверади.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
Тошкент шаҳри.

БОЛТАБОЙ АКАНИНГ ИБРАТИ

Боғот туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази паразитология бўлими мудири Болтабой Бобожонов ҳалигача тонг саҳарлаб тошқудуқдан эллик челак сув ташиб, томорқасидаги экинларини суғоради. Кузда эса бир ярим тонна картошка, сабзи, пиёз, помидор йиғиб олади. "Ҳарна рўзғорга фойда", дейди, кулиб, сизга шу зарилми десак. Яқинда у киши етмиш ёшга тўлди.

Мақсуд ЖАББОРОВ,
Хоразм вилояти.

Иш қайта кўриладиган бўлди

(Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, суд томонидан низоли ер участкасига ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам талаб қилиб олинмаган ва ўрганилмаган.

Ушбу хўжалик иши ҳужжатларини ўрганиш натижасига кўра, Андижон вилоят хўжалик судининг юқоридаги ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида Олий хўжалик суди томонидан 2009 йил 21 январь куни Раёсатга назорат тартибида протест келтирилди ҳамда Олий хўжалик суди Раёсатининг 2009 йил 29 январдаги қарори билан Андижон вилоят хўжалик судининг 2008 йил 20 июндаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, хўжалик иши янгидан кўриш учун Андижон вилоят хўжалик судига юборилди.

Х.ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

Ушбу мақола юзасидан Олий хўжалик судидан ҳам жавоб олинди. Унда жумладан, шундай дейилади:

"Ишдаги ҳужжатларга кўра, Избоскан туман ҳокимлигининг "Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида" 2000 йил 23 апрелдаги 159-сон қарорига асосан Пойтуғ шаҳар, И.Тўхтабоев кўчасидаги Избоскан туманлараро босмахонасининг бино ва иншоотлари жойлашган 5497 квадрат метр ер майдони шу босмахонага доимий фойдаланиш учун бириктирилган ҳамда туман давлат кўчмас мулк кадастри бўлимига ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида гувоҳномалар бериш топширилган.

Ушбу қарордан норози бўлган "Пахтакор" газетаси таҳририяти уни бекор қилишни сўраб Андижон вилоят хўжалик судига даъво аризаси берган.

Биринчи инстанция судининг 2008 йил 20 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Олий хўжалик суди Раёсатининг 2009 йил 29 январдаги Р 10-сон қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилди.

Ишни янгидан кўришда биринчи инстанция суди тарафларни муросага келтириш чораларини кўриб, иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаб, тарафларнинг важларини ишда иштирок этувчи шахслар, прокурор ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилиб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаб, қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарори қабул қилади.

И.АЛИМОВ,
Олий хўжалик суди судлов таркиби раиси."

ҲОЛАТ

Ҳоким қарори судда бекор қилинди

Бундан қарийб ўн беш йил муқаддам Пастдарғом туманидаги "Оқолтин" ва "Гулакандоз" маҳаллаларининг фуқаролари эски қабристонларда жой қолмаганлиги сабабли янги вақф ер майдони ажратилишини сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилишганди. Ўша вақтдаги ҳоким Нарзиқул Эшонқулов аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олиб, 1995 йил 13 январда 8— 3/1 сонли қарор чиқарди. Мазкур қарорни вилоят ҳокимлиги ҳам тасдиқлади. Шундан сўнг "Шаҳбоз" фермер хўжалигига қарашли суғориладиган ердан 2 гектар майдон қабристон учун ажратилди.

Орадан йиллар ўтди. Маҳаллалар аҳли қабристон учун ажратилган ер майдонининг атрофини темир панжаралар билан ўраш, ободонлаштиришга энди киришамиз, деб турганида уларга туманга янги тайинланган ҳоким Расул Йўлдошевнинг 2007 йил 22 сентябрдаги 1439 рақамли яна бир қарорини пеш қилишди. Унда вақф қилинган ер майдони фуқароларга уй-жой қуриш учун ажратиб берилсин, дейилганди.

Мазкур ер майдонининг уй-жой қурувчиларга берилишини тасдиқловчи иккинчи қарорнинг юзага келишида айтишларича, "Оқолтин" маҳалласи йиғинининг собиқ раиси Зиё Ҳасанов ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ражабали Мансуровлар "бош-қош" бўлишган. Маҳалла оқсоқоли қандай бўлса-да ер олинганидан хурсанд бўлиб бу ишга қўл урган бўлиши мумкин. Лекин туманда ер учун бевосита мутасадди раҳбар нега биринчи қарорнинг қонуний кучга эгалигини била туриб, иккинчи қарорнинг чиқарилишига хайрихоҳ бўлганига ҳайрон қоласан, киши!

Бу қандай гапки, қабристон учун ажратилган ер майдони ўрнига ими-жимида уй-жой қуришга фатво берилса? Аслида, уй-жой учун бериладиган ер майдони тегишли идоралар томонидан "кимошди" савдоси орқали амалга оширилиши лозим эмасми?

Ҳокимликка билдирилган шикоятдан натижа бўлмагандан кейин маҳаллалар аҳли ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишди. Вилоят адлия бошқармаси мазкур масала бўйича фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судига даъво ариза киритди. 2008 йил 19 сентябрда фуқаролик ишлари бўйича туман судининг очиқ мажлисида масала атрофлича кўриб чиқилди. Ва туман ҳокимининг иккинчи қарорини ҳақиқий эмас, деб топди. Бу ҳақда суднинг қарори чиқди. Шу билан бу ишга қонуний нуқта қўйилгандек бўлди.

Лекин таҳририятимиз номига юқорида тилга олинган маҳалла аҳлидан бир гуруҳ фуқаролар ёзишган шикоят хатида таъкидланишича, можаро ҳамон давом этмоқда. Айримлар ер майдонига уй-жой қураман, деб тош, шағал ташлаб қўйган. Аммо вақф этилган 2 гектар ер майдонини тўла-тўкис маҳаллалар аҳлига қабристон учун беришга эса туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи Р.Мансуров панжа орасидан қарамоқда. Аниқроғи, "Ҳой одамлар, ер майдони уй-жой қуриш учун эмас, қабристон учун ажратилган!" дея ҳақ гапни айтишга ўзида куч топа олмаяпти, шекилли. Қолаверса, наҳотки туман ҳокимлигидагилар одамларга уй-жой қуриш учун қабристон учун ажратилган майдондан бошқа ер топишолмаган бўлса? Бундай кўнгилни оғритадиган, кишини лол қиладиган, ҳатто эшитган қулоққа жуда ёқимсиз бўлган ҳолатга тезроқ нуқта қўйилса яхши бўларди.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЖАРАЁН

ТАБИАТ ВА ИНСОН

МУНОСАБАТЛАРДАГИ ДАРЗ

Буюк Шарқ алломаларидан бири ибн Холдуннинг фикрича, коинотдаги мавжудотлар коинот билан бирлашади, инсон эса жисму жони билан табиатга боғланган. Негаки, одамзот пайдо бўлмасидан илгари ҳам шу борлиқ мавжуд эди. Инсон эса табиатнинг ажралмас бўлагидир. Миллионлаб йиллардан буён инсон ва табиат ўртасидаги муносабат давом этиб келган. Ана шу муносабат негизида вақтлар ўтиб турмуш фаровонлиги ва маънавият тарбияси мужассамлашди. Демак, фақат инсоннинг ўзигина табиатни эгаллашга ва эъзозлашга, уни ўрганишга ҳақли. Инчунун, у онгли фаолияти туфайли табиатга таъсир кўрсатиб, ўзи учун зарур моддий неъматлар яратади. Мутахассислар таъкидлашига кўра, йил сайин янги-янги техника ва қурилмалар сони ортиб, маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами тобора кенгайгани атроф-муҳитга бевосита таъсир эта борди. Шу аснода табиат ва инсон ўртасидаги муносабат ич-ичидан дарз кетди...

Атроф-муҳитга меҳр-шафқатли бўлишнинг оқилона тартиб-қоидаларини аждодларимиз яхши билишган. Уч минг йил аввалги "Авесто" да қайд этилишича, илгарилари ерни ифлос қилган ва унга зиён етказган кишиларга 400 қамчи урилган. Ўсимликларни пайҳон қилган одамларга 10 минг туп хушбўй гиёҳни экиш, мингта эчкиэмар ва мингта сув қўнғизини ўлдириш буюрилган. Болалар жуда кичиклигиданоқ дарахт кўчати ўтқазиш, ерга дон қадаш ва ниҳолларни суғориш ишларига ўргатиб борилган. Хуллас, она заминни бор ҳолича асраш зарурлиги ҳамиша ёшу қарига фарз қилинган. Лекин даврлар ўтиб бу "қоида" бузилди, асрлар давомида табиатга етказилган озорлар эндиликда инсониятнинг ўзини ҳам азобламоқда.

ТОЗА ҲАВО ТАНГА ДАВО ЭМАСМИ?

Биз атроф-муҳитга етказилаётган зарарлар, муаммолар хусусида тиббиёт фанлари доктори, Халқаро экологик муаммолар, инсон ва табиат академиясининг академиги Оқилхон Исҳоқовни суҳбатга чорладик.

– Дунё олимларининг ҳисоб-китобларига қараганда, аҳоли саломатлигининг 20-40 фоизи атроф-муҳитга, 15-20 фоизи ирсиятга, 10 фоизи эса турмуш тарзига боғлиқ экан. Демак, узоқ умр кечириш учун аввало, атроф-муҳитни тоза тутиш зарур.

– Аслида ҳеч бир одам ҳавосиз яшолмайди. Биз нафас олиб турган шу атмосфера ҳавоси эса бугунги кунда зарарли анорганик моддалар (мис, рух, қўрғошин, вольфрам, симоб сингарилар) билан ифлосланган. Кўчалар бўйлаб ғир-ғир қатнаётган транспорт воситаларидан чиқаётган газ таркибида ис гази, азот икки оксиди, углеводородлар мавжуд. Масалан, битта автомобиль ҳар йили атмосфера ҳавосидан 4 тонна бебаҳо оксигенни «ютиб», 500 килограмм ис гази, карбонат ангидрид гази, 40 килограмм азот оксиди, 200 килограмм ҳар хил бирикмага эга карбонсувларни ҳавога ажратиб чиқаради.

Шунингдек, саноат корхоналари томонидан нефтни қайта ишлашда, чўян эритишда, электр қуввати олишда, пўлат ишлаб чиқаришда ва рангли металларни эритишда ҳам кўплаб зарарли кимёвий моддалар (чанг, газ, қурум, аэрозол, кул) атмосферага кўтарилади. Шунда ҳавонинг тиниқлиги 25-30 фоизгача ифлосланади. Шу аснода ҳавода биз учун фойдали бўлган мусбат ионлар камайиб, манфий ионлар кўпаяди. Яна шуни ҳам таъкидлашим керакки, ҳаводаги чанг зарралари биз учун ультрабинафша нурларининг анчагина қисмини ўзига сингдириб, уларнинг ерга тушишига тўсқинлик қилади. Санитария-гигиена қоидалари шу тартибда издан чиқаётгани туфайли аҳоли ўртасида бронхиал астма, ўпка яллиғланиши, ринит, ўсма касалликлари ва аллергик дардлар кўпаймоқда.

КИСЛОРОДНИ ҚАЕРДАН ОЛАМИЗ?

– Сиз келтириб ўтган далил ва рақамлар ҳар бир кишини беихтиёр ҳушёр торттиради. Экологик бузилишлар шу қадар шиддат билан кечаётган экан, у ҳолда биз... кейинчалик кислородни қаердан оламиз?

– Яхшиямки, атрофимизда бизга беминнат хизмат кўрсатаётган «кислород корхонаси» бор. Ажабланаяпсиз-а?! Худди онамиз каби сахий ва меҳрибон табиатга бир боқинг, у ҳаёт учун бебаҳо саналмиш оксиген ишлаб чиқарувчи ажойиб корхона эмасми? Ўсимликлар дунёси эса 20 минг турдаги шифобахш гиёҳлар ва доривор моддалар манбаидир. Уларнинг барчаси атмосфера ҳавосини тозалаб берувчи «фильтр» вазифасини ўтайди. Масалан, бир гектардаги теракзор карбонат ангидриднинг 700 фоизини, шунча жойдаги қарағай дарахтлари эса 100 фоизини ўзига «шимиб» олиши аниқланган. Яъни, бир туп дарахт 25 соат ичида ўртача уч кишига етадиган оксиген ажратиб беради. Бир гектардаги дарахтзор эса қуёшли кунда 220-280 килограмм карбонат ангидридни ютиб, 180-200 килограмм оксиген газини ажратади. Шунингдек, дарахтзорлар ўпкамизга зарур «озуқа» бўлмиш енгил аэроионлар миқдорини кўпайтириб беради! Энди бизга шу қадар «мурувват» кўрсатаётган яхшилик оламига ўзимиз қандай муносабатда бўлаяпмиз? Тириклигимиз асоси ҳисобланган сувни тежаб-тергаб ишлатмаётганимизни қандай баҳолаш мумкин?

ДАРЁ БЎЙИДА СУВГА ТАШНАЛИК

– Машҳур океанолог олим Жак Кусто "Ер ҳаммамизнинг умумий уйимиз, сув унинг қон томиридир" деган экан. Кейинги пайтда эса олимларимиз сувнинг тобора ифлосланаётганини аниқлашди. Сиз ҳам айнан шу хусусда сўз очдингиз. Масала шу қадар жиддийми?

– Ер юзининг 70,8 фоизи сувдан иборат бўлса-да, унинг асосий қисми шўр, жуда оз қисми ичишга яроқлидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, инсон саломатлигига салбий таъсир этаётган зарарли омилларнинг 30-40 фоизи сув таркибининг бузилишига тўғри келади. Аслида 1 литр сувда юз минг дона микроб бўлиши керак, айни вақтда эса унинг бир литридаги микроблар сони бир неча миллионтани ташкил этади.

Маълумки, таркибида нитратлари кўп ичимлик суви қондаги эритроцитларда кислородга бўлган талабни етарлича қондиролмайди. Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларидан олинган маълумотларга кўра, кишиларнинг буйраги ҳамда ўт қопида тош бўлишига асосан сувнинг қаттиқлиги сабабдир. Одатда қаттиқ сув қайнатилса идишда туз қатлами пайдо бўлади, бундай сувда совун тез кўпирмайди, гўшт яхши пишмайди. Оби ҳаёт таркибидаги бундай ўзгаришлар юрак ва қон-томир хасталикларини келтириб чиқармоқда. Сувни тозалаб берувчи ташкилотлар анча изланишлар олиб боришаяпти, лекин уларнинг амалий ишлари яққол кўзга кўринаяпти, деб айтиш қийин.- Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида қатор қарорлар қабул қилиниб, муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада Оролбўйи ҳудудида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларида қайд этилишича, ер юзидаги икки миллиарддан ортиқ одам ташналигини қондириш учун тоза сувга зор бўлиб яшайди. Оби ҳаётнинг яхши тозаланмаслиги оқибатида аҳоли ўртасида жуда кўп касалликлар келиб чиқаётгани олимларни ташвишлантирмоқда. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, бизга етказиб берилаётган тоза ичимлик сувини кўпинча беҳуда сарфлаймиз, тежаб ишлатишни унутамиз. Агар сувни қадрласак, ўз ҳаётимизни қадрлаган бўламиз-ку!

* * *

Сиз тонг маҳали қуёш кўтарилишини ҳеч кузатганмисиз? Тўлин ойнинг чиқишини-чи? Майсаларга қўнган шудрингнинг офтоб нурида марвариддек жилоланиши, капалакнинг гулдан-гулга учиб-қўниши, мовий самода паға-паға булутларнинг сузиб юришига кўзингиз тушганми ҳеч? Жилғаларнинг жилдираб оқиши, чигиртканинг чириллашини эшитганмисиз? Бу гўзалликлардан кўзингиз яшнаб, хушоҳанг товушлардан дилингиз равшан тортгани ёдингиздадир? Ўйлаб қарасак, соғ-саломат юришимиз ва узоқ умр кечиришимизга хизмат қилувчи ҳар неки бор, у табиат қучоғида мавжуд. Демак, она табиат гўзалликларини асраб қолишга ўзимиз ҳам ҳисса қўшишимиз лозим.

Демак, она табиатга меҳрмуҳаббатли бўлайлик, бутун эътиборимизни унга қаратайлик, оилаларда, маҳалла ва қишлоқларда экологик тарбияни кучайтирайлик. Орасталикка риоя қилишимиз, гул-у гиёҳлар маскани ва дарахтзорларни авайлаб парваришлашимиз, ўзимизни зарарли иллатлардан, шовқиндан ва жамики салбий таассуротлардан эҳтиётлашимиз зарур. Агар биз табиий гўзалликларга зиён етказмаслик учун қанчалик кўп жон куйдирсак, авлодлар келажаги ва ҳаётининг давомийлиги учун шунчалик кўп қайғурган бўламиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ САЛОМАТЛИККА ЗАРАР

ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўсиш ва ривожланиш ҳисобига ҳомиладор аёллар, болалар ва ўсмирларда йодга бўлган эҳтиёж бошқа инсонларга қараганда юқорироқ бўлади. Шунинг учун уларда бу модданинг танқислиги кўпроқ кузатилади ва асоратлари хавфли ҳисобланади. Йод етишмаслиги қалқонсимон безнинг катталашувига олиб келади. Бу хасталикни бўқоқ касаллиги ҳам дейишади. Қолаверса, болаларда ақлий фаолиятнинг сустлашиши, фикрлаш, эслаб қолиш, дарсларни ўзлаштиришда қийинчиликлар юзага келади. Йод танқислиги катта одамларда ақлий ва жисмоний меҳнат қобилиятининг пасайишига, асабийлашишига олиб келади. Организм курашувчанлиги пасайиб, турли хил касалликларга берилувчан бўлиб қолади.

Йод танқислигининг олдини олишнинг энг осон ҳамда арзон йўли бу мунтазам йодланган ош тузини истеъмол қилишдир.

Малоҳат РИСБОЕВА
"Эркин сўз" *(Қуйи Чирчиқ тумани),*
30.01 2009 йил.

НОКНИНГ НОЁБ ТУРИ

Мамлакатимиз олимлари қадимда ғарбий Тянь-Шаннинг тоғолди ёнбағирларида кенг тарқалган, лекин кейинчалик деярли йўқ бўлиб кетган ёввойи нок дарахтини аниқладилар.

Олимларнинг айтишларича, "нодир мева" Биохилмахилликни сақлаш халқаро ташкилоти ҳамда глобал экология жамғармасида Марказий Осиёдаги мевали дарахтларнинг йўқолиб бораётган навларини сақлаб қолиш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар пайтида топилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясидан хабар беришларича икки йил мобайнида олиб борилган мазкур тадқиқотлар давомида дарахт ва ўсимликларнинг кўплаб ноёб турларига дуч келинган. Жумладан, Бўстонлиқ туманининг Бурчмулла қишлоғида яшовчи Шорасул Шоюнусов томорқасидаги 100 йиллик нок "Ўзбекистон қизил китоби"га киритилган ва у "Ўрта Осиё гуруҳи" (Pyrus asiae mediae)га мансуб нав экани маълум бўлди. Мевалари йирик, ҳосилдорлиги юқори ҳамда замбуруғ касалликларига чидамлилиги билан ажралиб турувчи ушбу ноёб дарахтнинг намуналари шу пайтга қадар фақат Пском дарасидаги Испай-Муллали қишлоғи яқинида қолган, деб тахмин қилинарди. Айни пайтда мазкур навни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Абдусаттор ҲОТАМОВ
"ИСТИҚБОЛ",
(Тошкент вилояти)
30.01 2009 йил.

НАВОИЙ ТАХАЛЛУСИ ҲАҚИДА

Маълумки, кўплар Алишер Навоийнинг тахаллусини "наво" — куй маъносида деб тушунади. Буни тўғри деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Алҳол сўз ва ғазал мулкининг султони бўлган Алишер Навоийнинг ғазаллари инсон қалбини жунбушга келтирадиган куй ҳамда оҳанг билан йўғрилган. Яъни, яратилган ғазалда куйнинг ўзи мавжуд. Навоий тахаллусида тўрт ҳолат, маъно зуҳур этилган дейишимиз мумкин.

1. Наво — куй, мусиқа, оҳанг.
2. Наво — ҳолат, кўтаринки руҳ, яхшилик, эзгулик.
3. Наво — нодир, яхши, ғоят гўзал, мафтункор маъносида.
4. Наво — бу наво бағишловчи маъносида.

Мисолларга мурожаат этайлик:

Фусса чангидин навое топмадим
ушшоқ аро,
То Навоийдек асири бенаво
бўлдим сенга.

Яъни, ошиқ ғоят эзилган, ғам-ғуссага ботган. Чанг (мусиқа асбоби)да чалинаётган наво, куй ҳам ғуссага тўлиқ. Ундан ушшоқ (ошиқлар) қисматидагидек ўзимга наво топмадим, дилни хотиржам қиладиган куйни топмадим, деб нола қилинган.

Иккинчи ва учинчи деб кўрсатилган шартли қарашларимизда "наво" — куй биринчи инсон ҳолатини, руҳий оламини, яхшилик ва эзгуликка даҳлдорликни ифода этади. Маълумки, инсонлар бирбири билан учрашиб ҳол сўрашганда: "Кайфиятингиз яхшими", деб сўрашади. Бу гапни, айниқса, қишлоқ жойларда кекса кишилардан кўп эшитамиз. Шу ўринда яна Навоий ғазалларида кўп учрайдиган "навосоз", яъни, наво бағишловчи сўзи ҳам инсон ҳолатига алоқадордир...

Мустафоқул КАРИМОВ
"Жиззах ҳақиқати",
21.01 2009 йил.

АЙНИ МУДДАО БЎЛАРДИ

"Армечан" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Урганжи қишлоғи ҳам мустақиллик йилларида обод бўлиб, гўзал қиёфа касб этмоқда. Ҳозир бу ерда ошхона, гўшт, сабзавот, савдо дўконлари харидорларга хизмат кўрсатмоқда.

Аммо қишлоқ музейи, матбуот тарқатиш шохобчаси, кутубхона, радио, телевизор, музлатгич, телефон аппаратларини таъмирловчи устахоналарининг йўқлиги сабабли аҳоли узоқ йўл босиб, туман марказига боришга мажбур бўлишаяпти.

Истардикки, тадбиркорларимиз ўзимизда ана шундай хизматларни йўлга қўйишса, ҳамда ҳудудда мевазор, узумзор, сабзавотзорлар кенгайтирилса, қишлоғимиз янада обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги ҳам ошар эди.

Содиқ ЮНУСОВ
"Ғиджувон" (Бухоро),
30.01 2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

Саломатлик ва ўрмонзорлар

Инсоннинг ҳаёт кечиришида ўсимликлар оламининг, шу жумладан дарахтларнинг аҳамияти беқиёс. Масалан, арча инсонга шодлик туйғусини бахш этади, қарағай куч беради. Эман тинчлантириб, асабийлашишдан сақлайди. Қайин руҳий чарчоқни ёзса, каштан ички таранглиқни бартараф этади. Оддийгина теракни олайлик. У ўзига хос санитар дарахт ҳисобланиб, дока сингари ҳаводаги барча заҳарли газларни "шимиб" олади. Бу мутахассислар томонидан илмий ўрганилган ва синовдан ўтган ҳақиқатдир.



Аждодларимиздан қолган хайрли бир удум бор. Ота-боболаримиз чақалоқ туғилганда яхши ният билан ерга ниҳол қадаганлар. Фикримча, кўп эзгу ниятлар қатори бунда гўдак ўз ҳаёти мобайнида она табиат олдидаги масъулиятни ҳис қилиб борсин деган ибрат ҳам яширин бўлса, ажаб эмас. Одамзотнинг ўзи ҳам табиатнинг бир бўлаги бўлса-да, у тараққиёт туфайли ўрмон-у тўқайзорларни маданий ерларга айлантирди. Табиий ўрмонзорлар биздан шиддат билан чекиниб бормоқда. Лекин инсон боласи табиат қучоғида яшашга маҳкум. У дунё ташвишларидан ҳориб, руҳиятида чарчоқ сезганда узлат истаб, сокин боғ ва ўрмонларни, ям-яшил арчазорларга бурканган тоғларни, шарқираб сойларни қўмсайди, соғинади.

Олимларнинг маълумотларига кўра, дов-дарахтлар тириклигимиз манбаи бўлган кислороднинг 60 фоизини ишлаб чиқарар экан. Шунингдек, тупроқни шамол ва сув эрозиясидан, қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдонларни, аҳоли яшаш жойларини турли табиат ҳодисаларидан ҳимоя қилади. Бир сўз билан айтганда, ер юзида ҳаёт барқарор давом этишида ўрмонлар, мевали дарахтлар, умуман ўсимликлар дунёсининг аҳамияти беқиёс. Бундан ташқари, улар битмас-туганмас хомашё ва озуқа манбаи ҳамдир. Мамлакатимизда ўрмон фонди 8,5 миллион гектарни ёки умумий ер майдонининг қарийб 20 фоизини ташкил этади. Буни аҳоли жон бошига ҳисобласак, ҳар бир киши учун ўртача 0,1 гектарга тўғри келар экан. Ҳозирда республикамизда 22 та ўрмон хўжалиги ва 8 та доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар мавжуд.

Яқинда Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти ФАО кўмагида "Ўзбекистонда "Facility" ўрмончилик дастурини амалга ошириш ва жамоатчиликни хабардор қилиш" мавзусида журналистлар ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган семинар-тренингда ҳам соҳага жиддий эътибор қаратиш керакли таъкидланди.

— Атроф-муҳитни, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш инсоният учун жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга, — дейди тадбирда сўз олган Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси давлат биноназорати бўлим бошлиғи Ўлмас Собиров. — Аммо соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Масалан, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бориши ва табиий майдонларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши, айрим фуқаролар томонидан биологик ресурслардан ноқонуний фойдаланиш — дарахтларни кесиш ҳолатлари экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Шу боис ҳам бир қатор долзарб вазифаларни амалга ошириш зарур. Кўча ва хиёбонлар учун манзарали дарахтларнинг иқлимга мос турларини кўпайтириш, кўкаламзорлаштириш, пистазорларни кенгайтириш, уларнинг самарадорлигини оширадиган навларни амалиётга татбиқ этиш, Орол денгизининг қуриб қолган қисмида ўрмонлар, саксовулзорлар барпо этиш кабилар шулар жумласидан. Маълумки, республикамиз ҳудудида 210 минг гектар лалми ер бор. Унинг катта қисмига инсон соғлиги учун ниҳоятда зарур бўлган ва кам меҳнат ҳисобига мўл ҳосил берадиган писта, ёнғоқ каби дарахтлар экилса, фойдадан холи бўлмасди.

— Дарҳақиқат, минглаб ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари йўқолиб кетиш хавфи остида турибди, — дейди UNEP-GEF Bioversity international лойиҳаси миллий координатори Ҳожимурод Толипов. — Масалан, биргина Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган ва йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган ўсимликлар тури 1988 йилда 168 тани ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб улар сони 305 тага етди. Бу ҳолатни дунё миқёсида олиб қарасак ҳам вазият жиддий. Аҳвол шу тарзда давом этса ер юзида биосфера ҳалокатга юз тутиб, инсоният яшаши учун номувофиқ ҳолат вужудга келиши муқаррар. Шунинг учун мазкур глобал экологик хавфнинг олдини олиш, генетик ресурсларни сақлаш ва улардан муқим фойдаланиш бўйича БМТ кўмагида бир қатор ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилинмоқда. "Биологик хилма-хилликни сақлаш конвенцияси", "Ўсимликлар генетик ресурслари ва улардан муқим фойдаланиш тўғрисидаги глобал ҳужжат дастури", "Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги учун ўсимлик генетик ресурслари бўйича халқаро шартнома" кабилар шулар жумласидандир.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (ФАО) билан Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳамкорликда 2006 йилдан буён Ўзбекистон миллий ўрмон дастурини ишлаб чиқиш ва ўрмон қонунчилигини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Бу ҳам биологик хилма-хилликни сақлаш муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этишда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Республикамизда 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши ўрмон хўжалиги соҳаси олдига ҳам бир қатор устувор вазифаларни қўйди. Хусусан, икки муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Миллий ўрмон дастури ва "Ўрмон кодекси" ишлаб чиқилиб айни пайтда улар тасдиқланиш арафасида.

Мухтасар қилиб айтганда, олдимизда долзарб масала турибди. Яъни, тириклик манбаи бўлган она табиатни, шу жумладан дарахтларни ҳар бир инсон кўз қорачиғидек асраши шарт.

Иномжон АБДИЕВ

НАШР

Бой тарихга эга газета

Мамлакатимиздаги энг кекса нашрлардан бири "Зарафшон" газетаси чоп этила бошланганига 90 йилдан ошди. У илгари "Самарқанд", "Ҳуррият", "Меҳнаткашлар товуши" ва бошқа номлар билан чиқа бошлаган эди. Юртимиз мустақилликка эришгач унинг номи "Зарафшон" деб номланди.

«Зарафшон» ГАЗЕТАСИ ТАРИХИ

Газета бой тарихга эга. Таҳририятда юртимиз матбуоти, адабиёти ва санъатига улкан ҳисса қўшган юзлаб истеъдод соҳиблари ишлади. Улар кейинчалик ижтимоий соҳанинг кўплаб жабҳасида хизмат қилишди. Хусусан, юртимиз матбуотига таъмал тошини қўйган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Саидризо Ализода, Ғози Юнус ва бошқа зиёлилар шулар жумласидан.

Шунингдек, асарлари билан халқимиз маънавиятини бойитишга ўзининг муносиб улушини қўшган юзлаб истеъдод эгаларининг қалами ҳам айнан шу даргоҳда чархланди десак муболаға бўлмайди. Бундай инсонларнинг номлари эълон қилинса, газетанинг саҳифаси камлик қилиши шубҳасиз.

"Зарафшон"да атоқли ёзувчи ва шоирларимиздан Садриддин Айний, Ғайратий, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Уйғун, Амин Умарий, Усмон Носирларнинг илк асарлари босилган. У ўзига хос ижодий мактаб вазифасини ҳам ўтаган.

Биз мухтасар ушбу мақоламизда газета фаолияти тарихидан бир шингил ҳикоя қилишга ҳаракат қилдик, холос. Аслида нашрнинг босиб ўтган йўли тўғрисида бир қатор китоблар ёзилса, номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинса ҳам арзийди. Яқинда "Зарафшон" нашриёти "Зарафшон" газетаси тарихи" номли библиографик рисолани чоп этди. Унда газетанинг босиб ўтган йўли тарихий манбалар билан батафсил ёритиб берилган.

Айниқса, китобнинг биринчи саҳифасидан Президентимиз Ислом Каримовнинг "Биз журналист деганда, аввало, ўз ўрнини доимо ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида деб биладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқ ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида касб маҳорати ва фуқаролик позициясини намоён этадиган қатъиятли инсонларни тасаввур қиламиз", деган сўзлари ўрин олгани унинг нуфузини янада оширган.

Ҳосил КАРИМОВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ФАОЛИЯТ

Ижобий ўзгаришлар давом этади

Акциядорлик-тижорат “Ипотека банк”нинг аҳолига малакали хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланиб бораётгани шундан далолатдир

Мамлакат тараққиётида молиявий муассасаларнинг ўрни беқиёс экани сир эмас. Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 13 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ҳам “Шуни таъкидлашни истардимки, банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги, кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ”, — деб таъкидланди.

Мазкур маърузада молия муассасалари зиммасига ҳам жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилгани аҳамиятга молиқдир. Маълумки, жаҳон молиявий инқирози кундан-кунга дунё мамлакатлари иқтисодиётига кескин таъсир кўрсатмоқда. Ҳар куни матбуот орқали энг йирик хориж компаниялари ўзининг минглаб ишчиларини бўшатаётганини эълон қилмоқда. Ишсизлар сони кўпайиб, бир қанча корхона ва фирмалар банкрот бўлаяпти. Шу ўринда дунё сиёсатдонлари ва иқтисодчиларини карахт аҳволга солиб қўйган бу жараён бизнинг давлатимиз иқтисодиётига у қадар катта таъсир кўрсатмаганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг сабаби эса битта — у ҳам бўлса юртимизда иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ҳамда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби тамойилларга асосланган халқчил сиёсат юритилаётганидир.

Ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилаяпти, десак янглишмаймиз.

Президентимиз такрор ва такрор таъкидлаганидек, оддий халқ сиёсатни, аввало, иқтисодиёт орқали тушунади. Бозорлардаги арзончилик, қишлоқ ва шаҳарлар ободлиги, халқ фаровонлиги ўша юртда одилона сиёсат юритилаётганлигидан далолат беради. Бу эса кўпроқ иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлар бўлмиш молия муассасаларининг зиммасига янада катта масъулият юклайди. “Ипотека банк” юртимиз аҳолисига малакали хизмат кўрсатиб келаётган ана шундай молия муассасаларидан ҳисобланади. Унинг 37 та филиалида ҳозир 62 мингта мижозга сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. 149 та валюта айирбошлаш шохобчаси, 130 та мини банки, 493 та жамғарма кассаси ва 550 та халқаро пул ўтказиш шохобчалари аҳоли ва мижозлар хизматига шай. Биргина ўтган йилнинг ўзида молиявий муассасанинг республикамиз миқёсида 6 та янги мини банки ва 390 та халқаро пул ўтказиш шохобчаси ташкил қилингани ҳам ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Ўтган йили “Ипотека банк” томонидан кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, молиявий муассасанинг умумий капитали 95,5 миллиард сўмга, устав капитали эса 52,2 миллиард



сўмга етказилди. Ёшлар йили муносабати билан аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги вазифаларнинг долзарблиги ҳам янада оширилди. Жами 21 та уй — жумладан Нукус шаҳрида 2 та (72 хонадонли), Андижонда 2 та (32 хонадонли), Бухорода 2 та (64 хонадонли), Қаршида 1 та (32 хонадонли), Жиззахда 1 та (32 хонадонли), Навоийда 1 та (48 хонадонли), Самарқандда 2 та (64 хонадонли), Термиз шаҳрида 1 та (32 хонадонли), Наманган шаҳрида 2 та (64 хонадонли), Хоразм вилоятида 2 та (64 хонадонли), Фарғонада 2 та (48 хонадонли) ва Тошкент шаҳрида 3 та (104 хонадонли) уй фойдаланишга топширилди. Бу мингга яқин ёш оила биргина мазкур молиявий муассаса маблағи эвазига уй-жойли бўлди, деганидир. Бажарилаётган улкан вазифалар — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам жадаллик билан давом этишига шубҳа йўқ. Хусусан, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида жорий йилнинг олти ойи давомида 23 та уй (772 хонадон) қуриб, фойдаланишга топширилади.

Банкнинг кредит портфели жорий йилнинг биринчи январь ҳолатига 341,7 миллиард сўмга етди. Бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар миқдори эса 194,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Шу жумладан, 365,7 миллиард сўм миқдоридаги ажратилган кредитларнинг 22,3 миллиард сўми ипотека кредитлари бўлса, унинг 43,8 миллиард сўми кўп қаватли уй-жойлар қуриш, 28,7 миллиард сўми қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, 104,6 миллиард сўми кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, 34,8 миллиард сўми эса пахта ва ғалла ҳосилини молиялаштириш учун йўналтирилди.

Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг тинч-тотув, ҳеч нарсадан зориқмай яшашлари учун ҳам қулай ва имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Масалан, 1725 та ёш оилага жами 20 миллиард 191 миллион 500 минг сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ҳамда микрокредитлар берилди. Буни оддий рақамларда ифодалайдиган бўлсак, 837 та ёш оилага 17 миллиард 529 миллион 200 минг сўм ипотека кредитлари, 651 та ёш оилага 1 миллиард 111 миллион 700 минг сўм истеъмол кредитлари, 237 та ёш оилага 1 миллиард 550 миллион 500 минг сўмлик микрокредитлар ажратилди. Мухтасар қилиб айтганда, умумий ажратилган 22 миллиард 271 миллион сўм ипотека кредитларининг 78,5 фоизи ёш оилаларга берилгани ҳам қувонарли ҳолдир.

Шунингдек, 3150 та оила банкдан олинган 3 миллиард 473 миллион 400 минг сўмлик истеъмол кредитларидан фойдаланиб, юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий маиший техника воситаларини сотиб олди. Тизимни такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, аҳоли омонатлари 69 миллиард 910 миллион сўмга етиб, ўсиш кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 7 миллиард 376 миллион сўмни ташкил этди.

Қўлга киритилаётган бу ютуқлар туфайли ўтган йилнинг сентябрь ойида “Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги томонидан “Ипотека” банкнинг миллий валютадаги узоқ муддатли депозитларига BI халқаро рейтинг даражаси берилди ва рейтингнинг истиқболи барқарор деб белгиланди. Бу ҳам йирик жамоада амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг ижобий натижаси десак, янглишмаймиз. Эришилаётган муваффақиятлар эса албатта, юртдошларимиз фаровонлигида, дастурхонининг тўкинлигида намоён бўлиши шубҳасиз.

Ислом СУЛТОНОВ,
“Hurriyat” мухбири. ®

САМОЛЁТДАГИ КОКАИН

Лондоннинг Хитроу аэропортида Йоханнесбургдан келган самолёт экипажи аъзолари божхоначилар томонидан ҳибсга олинди. Гап шундаки, экипаж аъзоларидан бирининг юклари текшириб кўрилганда, беш килограмм кокаин борлиги маълум бўлди. Неча киши ҳибсга олингани ҳозирча маълум эмас. Текширув-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Бу — 2009 йил бошидан буён ЖАРдан келган иккинчи самолётдан наркотик модда топилиши. 20 январь куни ҳам 50 килограмм марихуана билан ўн нафар аёл ва беш нафар эркак ҳибсга олинганди.

МЕТЕОРИТ ЭКАН

Кеча Техас осмонида ёнган шар пайдо бўлди. Бундан хавотирга тушган одамлар полицияга хабар қилишди. Мутахассислар аввалига бу 10 февраль куни тўқнашиб кетган АҚШ ва Россия сунъий йўлдошларининг парчалари бўлса керак, деб тахмин қилишганди. Аммо АҚШ федерал авиация агентлиги ходимлари текширувлари натижасида, ёнаётган шар метеорит экани маълум бўлди.

СЕНДАН УГИНА...

Агар Россия Эронни атом бомбаси яратиш мақсадидан қайтаришда АҚШга ёрдам берса, Оқ уй Шарқий Европа ҳудудига ракетага қарши тизим ўрнатиш режасини қайта кўриб чиқиши мумкин. Бу ҳақда Reuters мухбирига ўз исмини ошкор этишни истамаган АҚШ маъмуриятидаги юқори лавозимли амалдор айтган.

Унинг таъкидлашича, ракетага қарши тизим Эрон ракеталарига қарши қаратилади. Эрон атом бомба ярата олмаса, унинг кераги бўлмайди. Шунинг учун ракетага қарши тизимнинг ўрнатилиши ёки ўрнатилмаслиги Эроннинг кейинги қадамларига боғлиқ. Россия бу қадамнинг тезлашишига йўл қўймаслиги лозим.

Амалдорнинг таъкидлашича, АҚШ давлат котиби ўринбосари Уильям Бёрнснинг Москвага ўтган ҳафтадаги сафари ҳам икки мамлакат ўртасидага алоқаларни кенгайтиришга қаратилган.

ЕТТИ УМРЛИК ҚАМОҚ ЖАЗОСИ



Калифорнияда истиқомат қилувчи 55 ёшли Манса Муса Муҳаммад штат суди томонидан болаларини қийнагани ва уч хотинидан иккитасини ноқонуний равишда озодликдан маҳрум этгани учун етти умрлик қамоқ жазосига ҳукм этилди. Муса Муҳаммаднинг асл исми шарифи Ричард Бодди эди. У мусулмонликни қабул қилгач, исмини ўзгартирди ва учта хотин олди. Суд уни 25 эпизод бўйича айбдор деб топди. У уч хотинидан 19 нафар фарзанд кўрган. Судда тўртта фарзанди ва икки хотини унга қарши кўрсатма берди.

Гувоҳларнинг айтишича, у болаларини оч-наҳор юришга, овқат қолдиқларини ейишга мажбур этган. Муҳаммад барча айбларни рад этди. Лекин суд унинг бу кўрсатмаларини ҳисобга олмади. Шундай қилиб, Муса Муҳаммад қолган умрини қамоқхонада ўтказади.

ХОРИЖ КАПИТАЛИГА ҚАРАМЛИК ТУФАЙЛИ

Бутун жаҳонда бўлгани каби Эстонияда ҳам иқтисодий инқироз авжига чиқмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2009 йилда аҳоли бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизгача камайиши кутилаяпти.

2008 йилнинг тўртинчи чорагида мамлакатда иқтисодий ўсиш 9,4 фоизга қисқарди. Бу сўнгги 15 йилдаги энг ёмон кўрсаткичдир. Бошқа Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам аҳвол яхши эмас. Масалан, Латвияда ишлаб чиқариш ўтган йилнинг тўртинчи чорагида 10,5 фоизга қисқарди.

Экспертларнинг хулосасига кўра, ушбу давлатларнинг чет эл капиталига қарамлиги ва ташқи савдодаги дефицитнинг рекорд даражада баландлиги бунга сабаб бўлмоқда.

ДАРАКЛАР

ИККИ БАҲО ҚЎЙГАНИ УЧУН



Брянск вилоятининг Клявичи қишлоғида 15 ёшли ўқувчи 55 ёшли ўқитувчисининг бошига монтировка билан уриб ўлдирган. Кейин кўприкдан дарёга ташлаб юборган. Ўқитувчининг мурдаси сувдан топилгандан сўнг тергов-суриштирув ишлари бошланди. Ўқувчи ўқитувчисини доимо икки баҳо қўйгани учун уриб ўлдирганини тан олди.

ЛИНКОЛЬННИНГ ҚЎЛЁЗМАСИ СОТИЛДИ



АҚШнинг собиқ президенти Авраам Линкольн томонидан 1864 йили ёзилган маърузаси қўлёзмаси Christie's кимошди савдо уйида 3,44 миллион долларга сотилди. Бу ҳақда Associated Press хабар тарқатди. Ушбу қўлёзма 1916 йилга қадар АҚШнинг 16-президенти оиласида сақланган. Ўша йили собиқ президентнинг ўғли Роберт қўлёзмани Вашингтонда Линкольн мемориалини қуришга ёрдам бергани учун Жон А. Дуайтга совға қилади. 1926 йилда Дуайтнинг беваси уни Нью-Йорк штати Драйден шаҳридаги кутубхонага топширади. Қўлёзма шу пайтгача ушбу кутубхонада сақланаётган эди.

Қўлёзма янги эгасининг номи ҳозирча сир тутилмоқда. Лекин хабарда айтилишича, у савдода қатнашмаган, аммо телефонда нархни айтиб турган. Кимошди савдосидан тушган маблағ Нью-Йоркдаги кутубхоналардан бирига янги бино қуришга йўналтирилади. Бу кутубхонада 1926 йилдан буён Линкольн қўлёзмалари сақланмоқда. Ўтган йили ҳам Линкольннинг бошқа бир қўлёзмаси 3,4 миллион долларга сотилган эди.

“ОКИНА” ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИБ БЎЛДИ

Япониянинг Ойдаги сунъий йўлдоши «Окина» ойга қулаб тушди. Бу қулаш режалаштирилган ва бир неча ҳафтадан буён кутилаётганди. Гап шундаки, зонд орбитадан жуда пастда эди ва ойнинг гравитацион майдони унинг парвозига жиддий таъсир кўрсатаётганди.



Энди “Окина”нинг ишини “Кагуя” давом эттиради. У 2007 йилда орбитага чиқарилган. Ушбу зонд ёрдамида олимлар Ойнинг пайдо бўлиши ва унинг геологик тарихини ўрганишни режалаштирган. “Кагуя” шу йилнинг августигача парвоз қилади ва “Окина” сингари ойга қулайди.

Олимларнинг айтишича, япон аппаратларидан узатилган ахборотлар ёрдамида Ойнинг нариги томонидаги вулқонлар аввал тахмин қилинганидан 500 миллион йил аввал отилганини аниқлаш имконини берди.

ТАФСИЛОТ

Шенген ҳудуди

Ўтган йилнинг 12 декабрь куни Шенген ҳудуди яна бир давлатга кўпайди. Швейцария ушбу шартномага қўшилган йигирма бешинчи давлат бўлди. Шундай қилиб, жаҳон тарихида биринчи марта 25 давлат ҳудудида одамлар паспорт ва божхона текширувисиз ҳаракат қиладиган бўлди.

Шенген шартномаси 1985 йилнинг 14 июнь куни Европанинг етти давлати — Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Франция, Германия, Португалия ва Испания томонидан имзоланган эди. Лекин уни амалга ошириш учун анча йил керак бўлди. 1990 йилда шартномани амалга ошириш бўйича Конвенция қабул қилинди. Унда фуқароларнинг эркин ҳаракати шартлари белгилаб олинди. Шунинг учун ушбу Конвенцияни иккинчи Шенген шартномаси ҳам дейишади.

1995 йилнинг 26 март куни Шенген шартномаси кучга кирди. Юқорида тилга олинган мамлакатлар ўртасидаги чегаралар очилди. Шартнома Люксембургнинг Шенген қасрида имзолангани учун Шенген ҳудуди дейилади. 1999 йилнинг май ойида Копенгагенда бўлиб ўтган Европа Иттифоқининг навбатдаги саммитида Марказий Европадаги ЕИга қўшилишга номзод мамлакатлар ҳам Шенген ҳудудига қўшилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга фуқароларнинг паспорт ва божхона текширувисиз ҳаракат қилиши дунё учун янгилик эмас. 1949 йили Буюк Британия ва Ирландия ўртасида шундай шартнома имзоланган. 1954 йилда эса Исландия, Норвегия, Дания ва Швеция давлатлари Шимолий паспорт иттифоқини тузишган. Орадан бир йил ўтгач бу иттифоққа Финляндия ҳам қўшилган. Хуллас, одамларнинг ҳаракати ва мулоқоти учун кенгроқ имконият яратиш масаласи анчадан буён кўҳна қитъада тажриба қилиб келинарди.

Бутун Европанинг битта йирик иттифоққа бирлашиши эса интеграция жараёнларини тезлаштиришни ва ҳудудини кенгайтиришни талаб этарди. Шунинг учун ҳам Шенген шартномаси пайдо бўлди. 1997-2001 йиллар давомида ушбу ҳудуд Австрия, Дания, Финляндия, Исландия, Италия, Греция, Норвегия ва Швеция давлатлари ҳисобига кенгайди. 2007 йилнинг охирида эса шартномани имзолаган мамлакатлар сафига Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Словения, Мальта, Эстония, Латвия ва Литва қўшилди. Шуниси қизиқки, Европа Иттифоқи ва Шенген ҳудуди бир-бирини тўлдирса-да, ЕИга аъзо айрим давлатлар, масалан, Буюк Британия, Ирландия, Кипр Шенген ҳудудига кирмаган. Зеро, 1997 йили Амстердамда қабул қилинган шартномада ЕИга аъзо бўлган барча мамлакатлар Шенген ҳудудига кириши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, Исландия ва Норвегия Бирлашган Европа таркибида бўлмаса-да, Шенген шартномасининг аъзоси ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатни тайёрлаш жараёнида давлатлар, хусусан Буюк Британия ва бошқа ЕИ аъзолари ўртасида турли келишмовчиликлар пайдо бўлди. Бу, биринчи навбатда, Шенген ҳудудида кимлар эркин ҳаракат қилади деган савол атрофидаги тортишув эди. Расмий Лондон бу ҳудудда фақат Европа Иттифоқига аъзо давлатлар фуқаролари эркин ҳаракат қилишини, хорижликлар эса қайси давлатга келса, ўша давлатдан қайтиб кетиши керак деган таклифни билдирди. Шундай қилинганда четдан арзон иш кучи, турли экстремистик гуруҳларнинг кириб келишининг олди олинар эмиш. Бошқа давлатлар вакилларининг фикри эса бошқача эди. Шенген ҳудуди шу ҳудудга кирган ва шартномага аъзо бўлган барча мамлакатларда меҳмон бўлиб турган ҳамма учун эркин ҳаракат майдонига айланиши керак.

Ушбу келишмовчилик туфайли Буюк Британия ҳалигача Шенген шартномасини имзолагани йўқ. Шундай бўлса-да, расмий Лондон ва Ирландия Шенген ҳудуди ахборот, ички ишлар ва суд-ҳуқуқ тизимида фаол иштирок этади. Шенген шартномасида у ёки бу ҳолатларда маълум муддатга айрим одамларни, дейлик футбол бўйича қитъа ёхуд жаҳон чемпионатларида фанатлар ёки безориларни ўтказмаслик мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, Шенген ҳудудига аъзо бўлган қайси мамлакат консуллигидан виза олишингиздан қатъи назар, 25 давлатнинг ҳаммасига бориш имконини беради. Бунда ягона чеклов “биринчи бориш” қоидасидир. Ушбу қоидага биноан сиз бир неча мамлакатга борадиган бўлсангиз, биринчи бўлиб сизга виза берган мамлакатга ташриф буюришингиз лозим. Йўлда бошқа биронта давлатда тўхтасангиз транзит ҳисобланади. Дейлик, Бельгияга автомобилда боришга қарор қилдингиз. Йўлда икки кундан Польша ва Германияда тўхтадингиз. Лекин барибир сиз борган биринчи мамлакат Бельгия ҳисобланади. Транзит муддати мамлакатларга қараб 2 кундан 5 кунгача белгиланган. Шенген ҳудудига кириш ҳуқуқини берадиган визалар тури бир нечта.

Албатта, Шенген ҳудудининг пайдо бўлишини бирлашган Европанинг демократик принципларга содиқлигининг яна бир ифодаси сифатида қабул қилиш мумкин. Лекин сиёсатчилар одамларнинг эркин ҳаракати баъзан салбий ҳолатларни келтириб чиқараётганини ҳам таъкидлашмоқда. Европадага ҳамма мамлакатлар бир хил ривожланмаганини барчамиз биламиз. Масалан, Шарқий Европа давлатлари Ғарбга қарагандa анча орқада. Бу ерда одамларнинг ҳаёт тарзи анча паст, бажарган иши учун тўланадиган ҳақ ҳам кам. Шунингдек, иш кучи арзон. Шу боис бўлса керак, кўплаб Шарқий европаликлар Ғарб иш бозорларини эгаллаб олаяпти. Бу эса ривожланган мамлакатлардаги аҳолининг норозилигига сабаб бўлаяпти. Бундан ташқари, ҳудуднинг кенглиги ва назоратнинг йўқлиги туфайли айрим экстремистик кучларнинг бутун кўҳна қитъа бўйлаб бемалол ҳаракат қилаётгани ҳам одамларда хавотир уйғотмоқда.

Сардор ҲАМИДОВ

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СУРАТ ВА СИЙРАТ

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ҚУЁШ ЖИЛОВДОРИ

Бу хонадонга биринчи марта ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қадам қўйганман. Ўшанда Маҳкамбой ака: мени қандай топдингиз? — дея кулиб қаршилаган эди. Бу — "Асосий вақтим лабораторияда, дала-даштда ўтади" дегани эди. Кейинчалик ҳам у киши билан тез-тез суҳбатлашиб турдик, аммо бу мулоқотлар кўпроқ телефонда кечарди.

Илмий ишлари ҳақида сўраганларга Маҳкамбой ака нима десам экан, янги энергия манбаларини қидираяпмиз, деб гапни қисқа қиларди. Қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида олиб бораётган ишлари хусусида гапириб ўтирмасди, аксинча, гапни бошқа мавзуларга, айтайлик, фарзандларининг нечта бўлгани, уларнинг тарбияси, ўқишларига буриб юборар ёки қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилишга ўтиб кетарди.

Баъзан ўйлаб қоламан. Маҳкамбой акадаги бундай самимиятнинг илдизлари қаерда? Мухбирликнинг тошли, чанг кўчаларида ўнлаб олимлар билан мулоқотда бўлганман, аммо Маҳкамбой акадаги каби камтарликни, дилкашликни жуда кам учратганман.

— Ҳаётингиздан миннатдормисиз? — сўрайман телефон орқали у кишидан.

— Умрим давомида баъзан машҳур кишилар билан ҳам суҳбат қилганман. Жумладан, Тучкевич, Алфёров (Нобель мукофоти лауреати), академик Александров, академик Содиқ Азимов каби олимларнинг илмий ишларимдан миннатдор бўлганликларига кўпчилик гувоҳ. Аммо ҳар гал миннатдорлик, мукофотлар ҳақида сўз кетса, бешинчи синфни битириб, мактаб директоридан мукофот тариқасида олган тўртта дафтар ёдимга тушаверади...

Биринчи синфни битиришимиз арафасида Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Фронтга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш топшириғига кўра, кўпчилик қатори бизнинг оиламиз ҳам Ёзёвон чўлига кўчирилди. Бу жойлар ҳали ўзлаштирилмаган, қум-у, биёбон эди. Оталаримиз ана шу ерларни ўзлаштириб, деҳқончилик қилишди. Чўлда мактаб бўлмагани учун биз ҳам уззу-кун уларнинг ёнига тушиб кетмон чопардик, ўт юлардик. Шу тариқа уч-тўрт йил ўтди. Урушнинг сўнгги йиллари эди чоғи. Ҳукуматнинг мактаб таълимини ривожлантириш бўйича қарори чиқиб, ўқимай юрган болалар мактабга қайта жалб этилди. Фронтдан ва фронт орқасидаги мажбурий меҳнатдан қайтган, озгина бўлса-да саводи бор одамлар ўқитувчилик қила бошлашди.

Қишлоққа қайтганимизда мен билан биринчи синфга борган болалар бешинчи синфда ўқишаётган экан. Укам Баротали биринчи синфга қатнай бошлади. Менинг ёшим анча катта бўлиб қолгани учун укам тенги болалар билан бир синфда ўқишга бўйним ёр бермай, мактабга бормадим. Уйдаги юмушларни бажариб юравердим. Саломат опа деган раис бўларди. Эркакча феълли, шаддод аёл эди. У бир куни уйимизга келиб, нега ўқимаётганимни суриштирди. Бувим раҳматли: "Бола тушмагурга ўқи, десак, ўзимдан кичкина болалар билан бирга ўқимайман, ўзим мустақил ўқияпман, деб кўнмайди. Қўлида иккита китоби бор, бўш қолди дегунча улардан бош кўтармайди", деб опага ёзғирди. Раис ўрнидан қўзғаларкан, эртага мактабга боришимни, ўша китобларимни ҳам ўзим билан бирга олиб боришимни тайинлади. Бу китобларнинг бири бешинчи синф учун адабиёт дарслиги, иккинчиси эса олтинчи синф учун тарих дарслиги эди. Уларни отам билан марғилонлик қариндошларимизникига борганимда олиб келгандим. Хуллас, ўша йили тўғридан-тўғри бешинчи синфга қатнай бошладим. Энг қизиғи, иккала дарслик китобимни ҳам ўқитувчиларимиз олиб қўйишди. Кейин билсам, дарсликлар жуда кам экан. Бешинчи синфни битиришим арафасида эса яхши ўқиганим учун мактаб директори тўрт дона дафтар билан мукофотлаган эди.

... Ўша тўрт дона дафтар ҳам ундан кейин қанча-қанча дафтарлар ёзувга тўлмади, дейсиз. Қийинчилик билан олган билимлари Маҳкамбой акани юзлаб китоблар сари етаклади. Дунёнинг бир бурчагидаги олис қишлоқдан Самарқанд сари йўлга чиқди.

— Сизни таниганлар Маҳкам ака гап-сўзидан адабиётчи ёки файласуфга ўхшаб кетади. Бошқача айтганда, физиклардан кўра лирикларга яқин, дейишади. Бунга нима дейсиз?

— Физиклар билан лириклар ўртасидаги баҳсларни эслаганимда доим ёдимга бир нарса тушади, — деди кулиб у киши. — 1956 йили Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультетини битирганимдан сўнг, шу университетнинг ўзида ассистент вазифасига олиб қолишди. 1963 йилда эса Россиядаги А.Ф.Иоффе номидаги физика-техника институтининг аспирантурасига қабул қилиндим. Ўша йиллари ҳам физиклар билан лириклар ўртасида қаттиқ баҳслар кетарди. Ҳатто бир гал адабий китобларни физиклар кўп ўқийдими ёки лирикларми деган мавзуда катта миқёсда сўров ўтказилгани ёдимда. Унинг натижаларига кўра, физиклар лирикларга нисбатан бадиий китобларни кўп ўқишлари маълум бўлганди. Албатта, физиклар билан лириклар ўртасидаги баҳслар мазмунан ўта чуқур фалсафа — борлиқни англаш билан боғлиқ... Энди менинг физикага қизиқишимнинг боиси эса ўта жўн. Биз ҳали юқори синфларда ўқиб юрганимизда мактабни битирганлар орасида институтга киролмаганлари ҳам бўларди. Энг қизиғи, уларнинг аксарияти физика фанидан "йиқилиб", қайтишар эди. Мана шу воқеа мени физика фанини кўпроқ ўқишга, ўрганишга мажбур қилган бўлса, ажабмас... Телефонингиз узилиб-узилиб қолаяпти, у ёқ бу ёққа юриб олинг, антенна тўғриланади. Бу ҳам физика... билсангиз. Энди яхши эшитилаяпти.

Россияда аспирантурада ўқийман. Иш вақти тугагач, лабораториядаги усталар уй-уйларига кетишарди. Биз аспирантларнинг ишимиз эса ана шундан кейин бошланарди. Бу пайтга келиб радио аппаратураллар, физикага оид турли асбоб-ускуналар билан ишлашнинг ҳадисини олгандим. Эсимда Таня деган курсдошим бўларди (Татьяна Александровна Польянская, машҳур физик олим, профессор). Ўша қиз доим у ёки бу асбоб бузилиб қолса, созлаб беришни илтимос қилиб менга шундай дерди: "Сен ҳеч ўзбекка ўхшамайсан. Техникага қўлинг тегди дегунча тузалади. Сен афсунгарсан". Албатта, Танянинг бу гапларини ҳазил сифатида қабул қилардим. Аммо Таня ўзи билиб-билмай рус шовинистларининг бошқа халқлар, жумладан, ўзбекларга нисбатан муносабатини сездириб қўярди. Бундай камситишларга шўролар пайтида жуда кўп дуч келганмиз. Мана шундай дамларда одам хафа бўлади. Нега? Нима учун, деган саволлар ўзўзидан қуйилиб келаверади. Бу саволларга жавоб бугунга келиб топилди. Мамлакатимиз мустақил бўлди. Ўтган 17 йилда барча соҳаларда катта ўзгаришлар юз берди.

Мен Президентимизнинг кўп ташаббуслари ҳақида гапиришим мумкин, аммо қилган битта иши қаршисида доим бош эгаман. Бу — аждодларимиз орасидан ўтган алломаларнинг шаънини, номларини, мақбара-ю, зиёратгоҳларни қайта тиклаш борасидаги ишлардир. Халқимизда ўлик тўйса тирик тўяди деган нақл бор. Тирикларни тушунса бўлар, лекин ўликни тўйдириш қандай бўлади? Улар хотирланиб дуо қилинса, ётган жойлари ободонлаштирилса тўяркан. Балки ана шундай эзгу ишлар туфайли ҳам бугун мамлакатимизда тинчлик-барқарорлик ҳукмрондир.

Наманганга йўлим тушди. Шаҳар аэропорти биносидан чиқар эканман, атрофга ёруғ бераётган мосламани кўриб, ҳайрон бўлдим. Ҳамроҳларимдан бу қандай ускуна эканини сўраганимда улар қуёш нурларини электр энергиясига айлантирадиган мослама эканини айтишди.

— Бизга буни Акрамжон Мирзабоевнинг ходимлари ўрнатиб кетишди, — деди аэропорт хизматчиларидан бири. — Симдан келадиган электр ўчиб қолса ҳам бу ёруғ бериб тураверади. Беминнат. Ёруғ тушганда ўчади, қоронғу тушса ўзи ёнади.

Тошкентга қайтиб келдим ҳамки хаёлимдан аэропортни ёритиб турган ўша мослама кетмади. Акрамжон Мирзабоев... Таниш исм, таниш фамилия... Топдим. Улар ота-ўғил. Мана мустақилликнинг мевалари... Тўғри Маҳкамбой аканинг уйига кириб бордим.

Физика-математика фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-техника институтида лаборатория мудири бўлиб ишлаб келган Маҳкамбой Мирзабоевнинг мамлакатимизда қуёш нурларини электр ва иссиқлик энергиясига айлантириш борасида узоқ йиллар мобайнида олиб борилган тадқиқотларга қўшган ҳиссаси ҳақида яхши биламан.

— Ярим ўтказгичлар физиканинг асосий масалаларидан бири, — дейди Маҳкамбой ака. — Менинг дастлабки ишим ҳам ярим ўтказгичларда электр ва магнит майдонини ўрганиш бўлган. Илмий назариянинг амалиётда қўлланиши ўта муҳим. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида бу жуда керак.

Маҳкамбой ака ўз илмий фаолиятида ана шу қоидага доим амал қилиб келди. Унинг раҳбарлигида бундан бир неча йиллар муқаддам "Физика — Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги Физика-техника институти лабораториясида магнит майдонини ўлчайдиган ускуналар, шунингдек, тензометр ва қуёш элементи ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқарадиган аппаратлар яратилди. Улардан республикамиздаги "Шўртангаз", "Муборакгаз" корхоналарида, Сирдарё ГРЭСида, Андижон сув омбори ва бошқа кўплаб қурилишларда кенг фойдаланилди.

М.Мирзабоев олиб борган тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳар қандай электрон схемалар ва электрон магнит принципи асосида яратилган ускуналарда температура кўтарилганда магнит майдонини ўлчаш мураккаблашади. Олим раҳбарлигида ана шу юқори температурада ҳам магнит майдонини аниқ ўлчаш мумкин бўлган бир неча тур (доимий магнит майдони, ўзгарувчан магнит майдони ва импульс магнит майдони)ларни кенг диапазонда ўлчайдиган асбоблар, шунингдек, кремний асосида қуёш батареялари яратилди.

— Табиий ёқилғи ва ёнилғи захиралари бир кун келиб тугаши мумкин. Ер остидаги нефть юз миллион йилда пайдо бўларкан. Биз уни юз йилдаёқ тугатаяпмиз. Мана шундай шароитда қуёш энергиясидан кенг миқёсда фойдаланишга ўтилмаётганининг сабаби нимада?

— Қуёш тарқатаётган энергиянинг икки миллиарддан бир қисмигина ерга етиб келар экан. Заминимизга тушган қуёш энергиясининг жуда кам қисми ўсимликлар ва органик дунёнинг ривожланишига сарфланади, холос, — дейди олим. — Қуёш энергияси қадимдан олимларни қизиқтириб келган. Масалан, қуёш нурларининг инсон саломатлигига таъсири ҳақида Ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" китобида шундай ёзади: "Қуёшгина ҳавони тозалаб соғломлаштиради, бизни ўраб олган ҳавонинг ерга яқин қисми қуёш нурларининг ерга яқин жойда кучайиши сабабли кўпроқ иссиқ бўлади. Масалан, пастлик ер чуқурга ўхшаш бўлса, нурлар кўпроқ сиқилиб, кўпроқ исийди". Бунга бир жиҳатдан шамол юрмаслиги ҳам сабаб. Сирасини айтганда, Ибн Синонинг юқоридаги фикрлари билан ҳозирги замон олимларининг қуёш нурларини ўрганиш, ундан фойдаланиш борасидаги тадқиқотлари ўртасида амалий жиҳатдан катта фарқ бўлса-да, (замонавий технология ва қурилмалар ҳисобига), аммо мазмунан бир-бирига ўхшаш.

Қуёш энергиясидан фойдаланишни илмий жиҳатдан йўлга қўйиш XX аср олимларига насиб этди. Юқорида мен номларини келтирган олимлар шу соҳанинг таниқли билимдонлари бўлишган. Айтайлик, космик аппаратларга ўрнатиладиган кремний, арсений-галлий асосида ясалган фотобатареялар ярим асрдирки, аъло даражада қўлланиб келинаяпти. Қуёш нурини электр энергиясига айлантириб берувчи бу фотобатареялар 15-20 йиллаб беминнат ишлаб беради. Бундай қурилмалардан ерда ҳам фойдаланилаяпти. Сиз Наманганда кўрган ўша ёритгич ҳам фотоэлектр станцияси ҳисобланади. Энди қуёш энергиясидан кенг миқёсда фойдаланиш ҳақида шуни айтиш керакки, сарфланган харажат ўзини оқласа, ўшандагина бу иш юзага чиқади. Масалан, электр симини минг кишидан иборат аҳоли яшайдиган жойга ўтказсангиз унга кетган харажат ўзини оқлайди. Агар бу рақам камайиб борса оқлаш даражаси ҳам камаяди, яъни табиий ресурслар камайиб боргани сари уларнинг баҳоси ортади.

Домланинг гапларини тингларканман юрагимнинг аллақаери жазиллаб кетди. Нега шундай? Нега олдингидан оққан сувнинг қадри билинмайди? Нега ҳар сафар у кишининг ҳузурига бориш ўрнига телефонда безовта қилдим. 250 дан ортиқ илмий мақолалар (100дан ортиғи чет тилларда чоп этилган), кўплаб монографиялар, 46 тадан кўп ихтиролар муаллифи, бир неча фан номзодлари, фан докторларининг устози — оддийгина, соддагина Маҳкамбой Мирзабоев.

Сизга таъзим, қуёш жиловдори!

Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ

Дилшод НУРАЛИЕВ:

"Бизда арзимас иш бўлмайди"

(Бошланиши 1-бетда.)

Биз қуйида мазкур масала юзасидан "Пахтакор" футбол клуби ҳузуридаги академия раҳбари, тажрибали мураббий Дилшод НУРАЛИЕВнинг болалар ва ўсмирлар футболини янада ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини баён қилмоқдамиз.

— Ҳозир клубимизда футбол мактаби ва футбол академияси фаолият кўрсатмоқда. Улар бир-биридан нимаси билан фарқ қилади деган савол туғилиши мумкин. Футбол мактабида болалар етти ёшдан шуғулланабошлашади. Тарбияланувчилар 13 ёшга тўлганларида уларнинг энг истеъдодлилари сараланиб, академияга қабул қилинади ва машғулотларни давом эттиришади. Мактабимиз 2002 йилдан, академия эса 2005 йилдан бери фаолият кўрсатаяпти.

Уларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад — ёш авлодда спорт орқали соғлом турмуш тарзига қизиқишни шакллантириш, футбол қоидалари ва сир-асрорларини ўргатаётган болалар орасидан энг истеъдодлиларини саралаб, клубимизнинг асосий таркиби ҳамда мамлакатимиз терма жамоалари учун муносиб ўйинчилар тайёрлашдир.

Ҳозир мактабимизда 400 нафардан зиёд болалар, академияда эса 150 га яқин ўсмирлар мунтазам равишда шуғулланишаяпти. Уларга 30 га яқин мураббий сабоқ бермоқда. Бизга ўқишга киришни хоҳловчилар, табиийки, бир қатор синовлардан ўтиши талаб этилади. Энг биринчи талаб – бу боланинг саломатлиги. Иккинчиси – футбол техникасига оид. Шунингдек, суҳбатлар давомида болаларнинг зеҳни, дунёқараши ҳам ўрганилади. Академияга қабул ҳар йили ўтказилади. Мабодо пойтахтимиз ёки вилоятларда туғма қобилиятга эга болалар топилса, улар албатта, жамоамизга қабул қилинади ва бошқа тенгдошлари билан бирга футбол ўйнайди. Уларнинг ёши 15-16 да бўлиши ҳам мумкин.

Футбол мактабида болалар ҳафтасига уч марта машғулотда қатнашади ва биттадан ўйин ўтказишади. Академияда эса сал бошқачароқ: ҳар куни икки мартадан икки соатлик машғулотлар режалаштирилган бўлиб, дам олиш кунларидаги учрашувларда ўсмирлар нималарни ўрганишганини намойиш қилишади. Шу тарзда улар 6 йил мобайнида катта футболга тайёргарлик кўрадилар.

Юртимизнинг бошқа футбол мактабларидагидан фарқли равишда талабалар ётоқхонада яшайдилар, шу ерда овқатланишади, мактаб дастури асосида таҳсил олишади, футбол бобида маҳоратларини оширишади. Ўз навбатида, мураббийлар шогирдларининг барча фанлардан ижобий баҳолар олишига алоҳида талабчанлик билан муносабатда бўладилар.

Академия тарбияланувчилари пойтахтимиз, республика ва хорижда ўтказиладиган турли мусобақаларда мунтазам равишда иштирок этиб келишмоқда. Масалан, бу йил қабул қилинган, яъни 1995 йилда таваллуд топган футболчилар Бухорода бўлиб ўтган республика биринчилигида қатнашиб, энг юқори ўринни эгаллашди. Муроджон Исмоилов ва Шуҳрат Раҳмонқулов шогирдлари гуруҳда йирик ҳисобдаги ғалабаларга эришгач, ярим финалда Муборакдан келган тенгдошларини доғда қолдиришди. Финалда эса мезбонларни 3:0 ҳисобида мағлуб этишди. 1993 йилда туғилганлардан иборат жамоа мураббий Дмитрий Ким раҳбарлигида Россия ва Украинада бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда совриндор бўлди. Мактабимизнинг 1996 йилда туғилган болалардан ташкил этилган жамоаси эса

2008 йилнинг ўзида бир неча халқаро мусобақада биринчи ўринни қўлга киритди. Эътиборга молик яна бир жиҳат. Жамоаларимиз Тошкент шаҳри биринчилигида ўзларидан бир ёш катта футболчилардан тузилган жамоалар билан баҳслашишади. Мазкур турнирларда жамоаларимиз аксарият ҳолларда пешқадамлик қилишади.

Академияда таҳсил олиб, футбол ишқибозлари эътиборига тушган бир қатор ўйинчиларни эслаб ўтиш жоиз. Масалан, миллий терма жамоамизнинг етакчиларидан бири Одил Аҳмедов, Саудия Арабистонидаги Осиё чемпионатида ёшлар терма жамоамизнинг муваффақиятларига салмоқли ҳисса қўшган Мурод Холмуҳаммедов, шунингдек, Садриддин Абдуллаев, Собир Усмонхўжаев, Акмал Шорахмедов, Павел Пуришкин, Даврон Мирзаев каби кўплаб умидли футболчилар бизнинг тарбияланувчиларимиз экани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Футбол академиясини тамомлаганларнинг бир қисми жамоамизнинг ўринбосарлар таркибига қабул этилади. Асосий таркибдан жой эгаллаш эса энг иқтидорлиларгагина насиб этади. Қолганлар иккинчи ва биринчи лига жамоаларида фаолиятини давом эттирадилар.

Баъзан ишқибозларимиз "нима учун африкалик футболчилар ҳали катта футболга кириб улгурмай европалик мураббийлар эътиборига тушади-ю бизникиларни эса ҳеч ким танимайди?" дейишади. Аслида, ўша африкаликларнинг аксарияти Европа футбол мактабларида шуғулланишади. Шунинг учун ҳам суринамлик, камерунлик, сенегаллик ёки жазоирлик болаларнинг энг кучлилари ёш бўлишига қарамай, Европада ўйнай бошлайдилар. Шунингдек, улар мунтазам равишда европалик мутахассислардан сабоқ олишади ва шу қитъадаги клубларнинг мураббийлари кўз олдида камол топишади.

Академиямизни тамомлаганлар нафақат бизда, балки Европанинг номдор клубларида ўйнашлари учун биз мураббийларгина эмас, балки ёш футболчиларнинг ўзлари ҳам тинмай шуғулланиши зарур. Футболчиларимиз чет элда тўп суриши учун дастлабки ютуқлардан кейин ўз устида машқ қилишни тўхтатмасдан, аксинча, янада кўпроқ тер тўкишлари зарур. Юксак чўққиларни фақат тинимсиз меҳнат орқалигина забт этиш мумкин.

Албатта, хорижий тажрибани ўрганиш, чет эллик ҳамкасбларнинг самарали иш усулларидан фойдаланиш мактабимиз фаолияти самарадорлигини янада ошириши бор гап. Аммо ҳозирча барча мутахассисларимизни тажриба орттириш учун чет элга юборишнинг имконияти йўқ. Биз имкониятларимиздан келиб чиқиб, Москвадан ёки ОФК йўлланмаси билан юртимизга келган мураббийлар билан мулоқотда бўлишга ҳаракат қиламиз. Ўз вақтида Москвадан ташриф буюрган Георгий Ярцев, Юрий Гаврилов, Равиль Сабитов каби таниқли спорт усталари ёш футболчиларимиз билан машғулотлар ўтказишган.

Бизда бутун билими ва малакасини ўзбек футболи ривожи учун сарфлашга тайёр Темур Алимхўжаев, Муроджон Исмоилов, Дмитрий Ким, Алексей Евстафеев ва Алексей Рошчин каби фидойи мутахассислар фаолият кўрсатаётганидан фахрланамиз.

Болалар ва ўсмирлар футболида икир-чикирлар, арзимас иш деган нарсалар бўлмайди. Ҳаммаси жуда муҳим. Масалан, футбол мактабларимизда ишлаётган асосий мураббийлар билан бирга жисмоний тайёргарлик учун масъул мутахассис бўлиши, ҳар бир чизиқдаги футболчиларга техник маҳорат сирларини ўргата оладиган мураббийлар ишлаши зарур. Бу албатта, янги юлдузларнинг порлашига сабаб бўлади.

Элбек ЖУМАНОВ
ёзиб олди.

ТАДБИР

Қутқарув хизматидаги янгилик

Мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бундай вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлган тақдирда талафот оқибатларини бартараф этиш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Куни кеча вазирликнинг мажлислар залида "Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, ундан кўзланган мақсад ва вазифаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Тадбир аввалида қутқарув пайтида фойдаланиладиган асбоб-анжомларнинг кўргазмаси ташкил этилди. Шундан сўнг мазкур қонуннинг қабул қилиниш жараёни ва ижтимоий аҳамияти ҳақидаги қизиқарли маърузалар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Мазкур Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган эди. 2008 йил 23 сентябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. Қонун 2008 йил 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенатнинг навбатдаги ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланди ва 2008 йил 26 декабрь куни тасдиқланди.

"Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги Қонуннинг асосий мақсади қутқарув хизматлари ва тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши борасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур Қонун 5 боб ҳамда 31 моддадан иборат. Қонуннинг 1-бобида, жумладан 3-моддасида "фавқулодда вазият", "фавқулодда вазиятларни бартараф этиш", "фавқулодда вазиятларларнинг олдини олиш", "қутқарув тузилмаси", "қутқарув хизмати" каби асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Нодир ЖУМАҚУЛОВ

МАЪНАВИЯТ

ТАҚРИЗ

Кинонинг руҳафзо манзаралари



бир йилнинг 2 фильми ҳақида

Миллий кинематография тараққиёти учун ҳар бир фильм батафсил таҳлил қилиниши, мутахассислар томонидан ўрганилиши ҳамда холис баҳоланиши зарур. Зеро, юртимизда халқаро анжуманларнинг юксак совринларига сазовор бўлаётган асарлар билан бир қаторда фикран саёз кинолар ҳам ишланаяптики, улар томошабиннинг эстетик савиясини ўтмаслаштириб юбориши табиий.

Бундай "фильм"лар (тўғрироғи антифильмлар) асосан хусусий студияларда кинодан йироқ шахслар томонидан тайёрланаётганини қайд этган ҳолда уларга давлат киностудияларининг эстетикаси, бадиий имкониятлари ҳамда чегаралари хусусида сабоқ бериш керак. Бинобарин, биз тилга олган таҳлил фақат томошабин учунгина эмас, киночилар (муаллиф, режиссёр, киноактёр, кинооператор, кинорассом, кинокомпозитор) учун ҳам фойдали бўлади. Шу каби мулоҳазалар "Ўзбекинно" миллий агентлиги қошидаги "Ўзбекфильм" ҳамда Бешинчи экспериментал студиясининг икки янги бадиий маҳсулоти ҳақида фикр юритишга ундади.

"Сув ёқалаб" деб номланган фильм — лирик-драматик воқеалар, баъзан эса фожиавий кўринишлардан холи бўлмаган кадрлардан ташкил топган. Муаллиф Эркин Аъзам тасаввурининг бойлиги, унинг экран драматургиясининг қонуниятларини пухта ўзлаштиргани кўзга ташланади. Режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг эса янги воситалар, ранглар силсиласини ярата олганига гувоҳ бўлиш мумкин. Оператор Наҳмиддин Ғуломовнинг тасвирда юртга бўлган меҳрни кўрсата олишини маҳобатли тоғ ён бағридаги файзли ўзбек қишлоғини тасвирлашида бир-биридан ёркин, ўзгача юртдошларимизнинг портретларини яратишида сезамиз. Актёрларнинг катта гуруҳи адибнинг илҳомбахш қалами чизган образларни камера қаршисида тўла намоён эта олган.

Бу асарда эскирмайдиган, аҳамиятини йўқотмайдиган мавзу ўзининг юксак бадиий ифодасини топган. Авлодлар, ота ва болалар муносабатлари, севги, бурчга садоқат, оқибат каби теран тушунчалар билан боғланган ҳолда таърифлашни мақсад қилиб қўйган адиб ва режиссёрнинг олий мақсади — ҳаёт мазмуни, умр фасллари, эл-юрт аҳиллигини баландпарвоз гаплар, панноларга ёзилган шиорларда эмас, драматик тақдирларда, кучли, иродали шахслар тўқнашувида, илк севги умрбоқий бўлишини ҳаёт қувончу, ташвишларида ифодалаш бўлган. Севги ҳамда унинг экран талқини асосий воқеалардан четда туради. Нозик ҳис-туйғу, висол онларининг эҳтироси, шижоати сочи оқарган лекин важоҳати йигитдай собиқ раиснинг тасаввурида ҳукмрон эканига шаъма қилинади. Латофати, жозибаси ҳали сўнмаган аёлнинг руҳияти меҳрли қарашларида намоён бўлади.

"Сув ёқалаб"нинг психологик жанри тақозо этган лирик саҳналар, эҳтиросли дамлар ҳарорати барча тафсилотлари билан кўрсатилмайди. Кадр ортида қолган бу қайноқ лаҳзалар бир-бирига яқинлашишга журъат этмаётган, ишқ ўтида ёнганларнинг нигоҳларида, сукут сақлаб ўйга ботишларида намоён бўла боради. Монологни эслатувчи кадрлар марказида собиқ раиснинг (артист Эркин Комилов) армонлари, афоризмни эслатувчи иборалари, ёшлигида кўнгил берган қизни мўътабар ёшида учратиб қолганидаги тавба-тазаррулари туради. Сюжет ҳам мураккаб эмас, содда ва равон, ягона драматургик ўзакка уланган. Режиссёрнинг ҳам унинг қадрига етгани, матнга бўлган ҳурмати сезилиб туради. Киноҳикоянинг ритми, монтаж мароми ўзгарган. Сценарий фильм суратга олинаётган, монтаж қилинаётган, овоз воситалари ёзилаётган дамда ҳам режессура, актёр ижроси билан бойиб борган. Аммо айрим қайтариқларга, насиҳатгўйликка йўл қўйилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Адибнинг сахий қалами чизган юксак тоғлар этагига жойлашган файзли хонадонларда истиқомат қилувчи бағри кенг отахонлар ва орзуси кечаги кунда ушалмаган онахонларнинг кундалик ҳаёти батафсил тасвирланганидан мамнун бўлдик. Экран ҳикояси изчил давом этиши ҳақида қайғуриб замон ва макон бирлигини сақлаб қолишга бўлган интилишни кўрдик. Фильмнинг фақат метражини ўйлайдиган (аниқроғи уни нималар билан тўлдиришни билмайдиган) кинонинг "даққи ҳунарманди" бош қаҳрамон — раис бувонинг ўтган кунларни қўмсашини ретро йўли билан кўрсатиши, сийқаси чиққан кадрларда кечаги кун манзараларини осонгина намоён этиш йўлидан борган бўлар эди. Биз фикр юритаётган фильмда эса бундай жўн усул қўлланилмаган. Режиссёр билан узвий ҳамкорликда ишлаган ёзувчи психологик драманинг ёзилган ва ёзилмаган қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда ўз қаҳрамонининг айни дамдаги руҳиятини, кечинмаларини бамисоли йирик планда кўрсата боради. Севишганларнинг драмаси кечаги кунни эслаш йўли билан эмас, умрнинг бугунги куни, руҳий ҳолати, қиёфаларини бугунги услубларда очиш йўли билан тасвирланган. Бу йўл анча мураккаб. У актёр техникаси мукаммал бўлишини, ижрочи нозик вазиятни чуқур ҳис эта олишини, бир зум келажак ҳаёти билан яшай олиш қобилияти мавжуд бўлишини тақозо этган. Актёрлар, айниқса, С.Юнусованинг бўм-бўш хонадонида юриш-туриши, қачонлардир севган, кечаги барно йигит бугунги мўътабар ёшдаги шахс ёнига яқинлашмай, меҳрли нигоҳи, нам кўзлари ила уни кузатиб бориши, сукут сақлаб, тинглаб, ҳеч қачон қайтмайдиган ўша висол онлари армонли кунларга айланганини кўрсатиши ҳайратга келтиради.

Иккинчи фильм — "Сукунат" фильмининг таркиби ўзгача. Муаллиф ва режиссёр Ёлқин Тўйчиев рамзли кино тасмасининг услубини шартли белгилаган, ўзига хос композицион қурилишдан келиб чиқиб ҳикоя усули, мароми, монтаж йўллари, ижро воситаларини танлаган. Томошабинни назарда тутиб ёзилган сценарий асосида суратга олинган бу фильмда қўлланган мажозий ифодалар, мизанкадрлар, рамзий образлар бир мақсадга қаратилган. Инсон ҳамда уни ўраб олган муҳитнинг мураккаблигини тасвирлаш учун режиссёр интеллектуал кинонинг имкониятларидан фойдаланган. Бош қаҳрамон — серташвиш, сермулоҳаза, серҳаракат аёл (актриса Раъно Шодиева) ҳаётида саҳна, студия, фотостудиядаги ижро ҳамда кундалик турмуш кўринишлари бир-бирига уланиб кетади. Актриса Р.Шодиева бу гал актриса ролини ўйнашда худди шу ҳолга эътибор беради. Ҳаёт йўли қанчалик мураккаб бўлса, турмуш икир-чикирлари қанчалик мўлкўллигини шахсий муносабатларда самимият, юксак ҳис-туйғулар қанчалик устун турса, актриса спектаклда, фильмда, бошқа томошаларда ижро этилаётган ролларни, таърифланилаётган ҳолатлар ҳам шунчалик ранг-баранг. Бири иккинчисига ўхшамас. Шу боис Р.Шодиеванинг қаҳрамонини кундалик ҳаётда кўраяпмизми ёки ролда — саҳнада, киностудияда, фотомодель сифатида намоён бўлаяптими, буни ажратиб олиш ҳам осон бўлмайди. Режиссёрнинг мақсади ҳам шундай бўлган: кундалик ҳаёт ҳамда ижод нашидасига тўлиб-тошган дақиқалар бирбирини тўлдириб, давом эттириб муайян шахсга таъриф беради, унинг кўпқиррали сиймосини, қувончи ва ташвишларини тасвирлашга йўл очади. Бу асарнинг яна бир хусусияти шундан иборатки унда анча мураккаб драматургик вазифа ижрога, тасвирга, монтажга баробар тақсимланган. Ёлқин Тўйчиев Раъно Шодиеванинг эркин ижодини узлуксиз, бир йўла, тўлалигича суратга олган. Актриса эркин ҳаракат қилади. Чиройли, лекин совуқ мармар устунлар, ойна билан қопланган, шуълани қайтариб турган ялтироқ деворлар ҳам таърифланаётган интерьернинг ажралмас қисмига айланади. Р.Шодиеванинг қаҳрамонни машқ залида, ҳатто ўз хонадонида, кинокамера рўпарасида ижрога тараддуд кўриши, қўл, оёқ, тана ҳаракати, сўзни талаффуз этиш техникаси — булар ҳам қаҳрамоннинг айни дақиқадаги ҳолатига таъриф бериш билан бирга умуман ижод дамларининг мураккаблигини кўрсатади.

Биз фикр юритаётган "Сукунат"да эса мусиқа сукут сақлайди. Унда қўлланилган бадиий воситаларнинг ҳар бири драматургик "юкка" эга бўлиш билан бирга яхлит композициянинг ажралмас қисми сифатида қабул қилинади.

Бундай мулоҳазалар билан бирга асарда турғун ҳолда олинган айрим кадрлар баъзан экранда узоқ туриб қолиши, бинобарин ҳикоя қисмига таъсир кўрсатишини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Шунингдек, Р.Шодиеванинг кўпдан-кўп фотопортретларининг кетмакет кўрсатилиши, айрим образлар, ҳолатлар тақрибий тарзда берилиши эътироз уйғотади.

Умуман олганда икки асар икки бадиий оқимга мансуб. Бирининг драматургик қурилишидан — санъаткорларнинг эл-юртига бўлган садоқатининг экрандаги ифодасидан завқ олсак, иккинчиси ақлидрок, тафаккурнинг бадиий талқинидан завқ беради. Бу каби нурли тасмалар янги ўзбек киносининг руҳафзо манзарасини ташкил этади. Мазкур асарлар довон ошаётган миллий кинематографиямизда соғлом муҳит мавжудлигини тасдиқлайди. Бир сўз билан айтганда, эски "қолип"лардан холи, шарқона руҳ билан суғорилган "Сув ёқалаб" ҳамда кўнгилдаги ўйларни, фалсафий тушунчаларни экран тилида ифода этган "Сукунат" бугунги кунимиз учун жудаям қадрли эканини идрок этишимиз мумкин.

Ҳамидулла АКБАРОВ

ҚАДРИЯТ

Дунё кезар Афанди

Халқ оғзаки ижодининг энг нодир намуналаридан бўлган латифалар инсон тафаккурининг бениҳоя ранго-ранглигидан далолат беради.

Латифа арабчадан олинган бўлиб, ҳазил-мутойиба, зарофат ҳамда гўзаллик маъноларини билдиради. Ҳар бир халқнинг латифасида ўша халққа хос бўлган характер қирралари, урф-одатлар, анъаналар сезилиб туради. Ва ҳар бир халқ ўз сатирик қаҳрамонига эга. Масалан, арабларнинг Жуҳоси, ҳиндларнинг Бирбали, ўзбекларнинг Насриддин Афандиси, қозоқларнинг Алдаркўсаси, руслар-нинг Иванушкаси, эронликларнинг Убайд Законийси, немисларнинг Ойленшпигели, қорақалпоқларнинг Умрбек Лақиси кабилар. Биргина Афандининг номи билан боғлиқ латифалар турк, форс, уйғур, қозоқ, туркман, булғор, серб, қрим-татар, македон, араб ва бошқа халқларда ҳам мавжуд. Уларда Афанди гоҳ ақли ноқис амалдор, гоҳ золим бой, гоҳо порахўр қозиларнинг додини берувчи донишманд сифатида гавдаланса, гоҳида уни болалиги тарк этмаган содда ва ишонувчан киши қиёфасида кўрамиз. У вазият тақозосига кўра, ўз касбини, ёшини, яшаш жойини ўзгартириб туради. Ўтган даврларнинг дарди, замонларнинг турфа кўргиликлари Афандининг топқирлиги, умрбоқий ва ўткир кулгиси орқали ҳажв қилинади. Биргина мисол: бир куни амирлардан бири Афандини одамлар олдида изза қилиш учун, "Айтингчи, Насриддин, манави ҳовузнинг суви неча челак чиқади?", деб сўрабди. Хўш, сиз шу саволга нима деб жавоб берардингиз? Ҳовуз сувини челаклаб ўлчаб чиқармидингиз? Ёки билмадим деб елка қисиб қўя қоласизми? Афанди эса ўйлаб ўтирмай: "Бир челак, — дейди, — фақат ҳовуз катталигича челак ясаш керак, холос".

Ўткир сатирага йўғрилган танқид ва киноя, юраклар қатига беркитиб ташланган аччиқ ҳақиқат фақатгина латифалар кўзгусида бор бўй-басти билан намоён бўла олади. Уни тинглаганда пайдо бўлган кулгу чеҳраларни табассум нури билан безайди, турмуш ташвишларидан ҳориган юраклар чигилини ёзади. Яъни ҳам кулдиради, ҳам даволайди.

Гулнора ЗОКИРОВА,
ЎзМУ талабаси.

ТУЙҒУ

Тонг қўшиғи

Тонг... мени ўзгача меҳр билан бағрига босади ҳар гал. Ҳар нафас унинг мусаффо ҳароратини туяман дилдан. Кўзларим беихтиёр шодликдан намланар. Тонг мени ўзидай билади, ўзига лойиқ кўради.

Қуёшим сўрайди: нега бунча дилинг хун? Ҳаммаси унинг измида, унинг ҳукмида. Ҳаёт хатолардан иборат эмас. Тонг ўзи томонга етаклар мени. Тоғларга элтади юракни. Умидлар кўкарар қалбимда яна. Ҳув... уфқ ортида қизарар шафақ. Зулматлар барчаси ортга чекинар. Мен эса яшайман ишонинг фақат энг ёруғ тонгларга етмоқлик учун.

Малоҳат МЕНГЛИҚУЛОВА

ҚАЙДАДИР КУТАЖАК РИЗҚ БОР, ДИЙДОР БОР

ШЕЪРИЯТ

Насиба ДИЛСЎЗ

Насиба ДИЛСЎЗ (Насиба РИЗАЕВА) Жиззах вилояти Зомин туманида таваллуд топган. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида таҳсил олган. Унинг "Совға" ҳикоялар тўплами, "Руҳимнинг рақси", "Баҳор эртаклари" шеърий китоблари чоп этилган. Эътиборингизга шоиранинг янги шеърларидан ҳавола этаяпмиз.

ЙЎЛДАГИ ОДАМ

Эй, йўлдаги одам, бир дам шошмай тур,
Мен сени кимгадир ўхшатаяпман.
Бошингни кўтариб боқсангчи бир қур,
Балки, менга таниш кўзингдаги ғам?!

Эй, йўлдаги одам бир дам олгин тин,
Мен сени кимгадир ўхшатаяпман.
Юзингдаги завқдан менга ҳам илин,
Балки, ўшамикан иссиқ кўринган?!

Майли, учраган бир таъбирчи деб бил,
Ғамни ёмон тушдек яхшига йўяй!
Айтма кимлигингни, мен — муштоқ кўнгил,
Тўхта, шодлик билан сўрашиб қўяй!

КЎП БЎЛДИ

Э воҳ, кўрганларимдан
Айтар сўзим кўп бўлди.
Айтганим нима экан,
Қайтар сўзим кўп бўлди.

Дуд чиқарган оҳимни
Гулга ўраб кўмдим-а.
Жавобсиз саволларни
Узр сўраб кўмдим-а.

Муаллақ қолган шодлик
Аламдан қўним топгай.
Сарсон салом хайрнинг
Юзига парда ёпгай.

Яшаб бўлар эканми
Жимгина юрак ғашлаб.
Барча сиру асрорни
Келдим қудуққа ташлаб.

Қудуқ сен мендан яхши,
Ўстирдинг биргина най.
Най пуфлашга ишқибоз,
Чўпон чиқди на қилай,
Оҳ, на билай, на билай.

Энди кўрганларимдан
Айтар сўзим кўп бўлди.
Кечиринг айтганларим,
Қайтар сўзим кўп бўлди.

Ў, қанча сўз навбатда,
Тилим узунми шунча?
Туғамайди барибир
То қабрга киргунча.

Сўнг умримдан ортганин
Этиб хазон, этиб гул,
Қулоғи кар дунёга
Сўзлаб ётар соқов гил.

ТЎРҒАЙ ҚЎШИҒИ

Ҳаёт деган дастурхондан
Ризқ тергувчи оддий қушман.
Мангу вақтнинг каломида
Қисқагина хайр-хушман.

Манзилимга етиб борай,
Қирқма шундоқ калта йўлим.
Полопоним оч қолмасин,
Отиб қўйма бевақт ўлим.

Менинг умрим нима экан,
Ўзинг айтгил ажал — душман.
Мудроқ дунё кўраётган
Уйғоқ тушман, уйғоқ тушман.

УЧРАШАЖАК КУН

Автони айбла. У бугун ғолиб,
Тўхтамоқчи эмас манзилга етмай.
Мени олисларга кетмоқда олиб,
Қандай қилиб қолай, қандайин кетмай?
Сен мендан ранжима бу айрилиқ чун,
Яхшиси келсин де учрашажак кун.

Беҳис йўлни айбла. У равон ва кенг,
Авто нима қилсин, ҳаёти тушдай.
Ихтиёри унинг бир варракка тенг,
Йўл — ипга боғланган учсада қушдай.
Ундан нафратланма бу айрилиқ чун,
Яна келсин дегин учрашажак кун.

Тақдирни айбла. Асли йўл тайин,
Тақдир ҳисоблашмас. У— ҳукмбардор:
Қандоқ қилиб сендан узоқлашмайин,
Қайдадир кутажак ризқ бор, дийдор бор.
Йўлдан ўпкалама бу айрилиқ чун,
Қачондир келсин де учрашажак кун.

Юракни айбла. Тақдир бўлсада
Сендан мени юрак олиб кетмоқда.
Висол паймонаси гарчи тўлса-да,
Бизларни парча эт жудо этмоқда.

Тақдирни қарғама бу айрилиқ чун,
Дуо қил келсин деб учрашажак кун.

Изтиробни айбла. Юрак не қилсин,
Изтироб ақлдан оздирди уни.
Майли айрилиқнинг омади қулсин,
Туғаётган экан ҳижроннинг куни.
Юракни қон қилма бу айрилиқ чун,
Келсин дегин қайта учрашажак кун.

ОНА МЕҲРИ

Фарзандларим учун меҳрим туганмасдир,
Зам-зам булоқ сувидек тоза, зилол.
Исмоилнинг товонидан очилган сир —
Унда нажот, унда ҳаёт, унда иқбол.

Тавба қилдим, тавба қилдим, гуноҳкорман,
Аммо меҳрим таърифига ўзга не дей?
Булоқ пайдо қилган Ўзи кўкрагимдан,
Юрагимни тепиб тушгач гўдагим-ей...

ЎЗБЕК

Ватан тупроғидан тумор қилар у —
Боболар хокидан мадад ўтингай.
Момолар изини азиз билар у —
Гулу райҳон билан ўртоқ тутингай.

Ҳотамни лол қилгай ҳотамтойлиги,
Битта нон сўрганга иккита бергай.
Болалари унинг энг зўр бойлиги,
Кўпайгани сари кўкрагин кергай.

Тўю томошалар қилишни суяр,
Ҳизрдек иззатда ҳар бир меҳмони.
Уруш сўзиданоқ юраги куяр,
Уруш сўзиданоқ қайнайди қони.

Оташ каби ёнган ёзнинг қучоғин
Янада қизитар меҳнаткаш кафти.
Қишнинг қор-қировли музлаган чоғин
Гуллатиб юборар қалбининг тафти.

Либоси қайси ранг, қайси бичимда
Бўлмасин, андиша елкасин ёпар.
Муслим ҳалқи яшар юрак ичинда,
Табассуми — улар юборган чопар.

Буюк Алишери мерос қолдирган
Шеъриятга қўшиб кўксида қўлин.
Темури тузуклар билан солдирган
Мутлоқ ғалабага элтажак йўлин!

РАССОМ МОНОЛОГИ

Бўёқ — тилим, лабим, овозим —
Изоҳларим турфа сурати!
Бўёқ — бурчим, уддалаш лозим —
Бармоқларим қайсар журъати!

Бўёқ — минг хил рангдаги қоним —
Турли-туман юракни чизар!
Бўёқ — чекимдаги имконим —
Абадият тархини тузар.

ҚАЙТИШ АЗОБИ

Ўн бешида тўлар ой,
Ўн беш кунда қайтажак.
Қайтиш азоби нима,
Ундан сўра айтажак.

Фалакка боқма ҳайрон,
Демаса ой, мен дейин.
Ҳилол — кемтик кўнгилни
Севоласанми кейин?

Етилиб тўкилган дон,
Интилиб майса бўлар!
Эрксевар қўшиқларга
Қўшиблар айтса бўлар!

Аммо, буларнинг бари,
Кейинроқ, кейин, кейин.
Тўкилиб хазон бўлмоқ,
Тупроқ бўлмоқлик қийин.

Қайтган турна "қур-қур",
Ташаккур нидосими?!
Ярим йўлда қулаган,
Ҳамроҳин видосими?!

Кетмоққа маҳкум тақдир,
Қайтмоғи мушкул, қийин.
Умид, тирик кўз янглиғ
Оппоқ кий, қора кийин.

Нима бўлди Насиба,
Баланд кўтар бошингни!
Жон Эгамга қайтмасдан,
Ишққа қайтар лошингни!

Қийнама гурур, йўл бер,
Илтимос, жўрғат қўл бер,
Кетдик кечирим, кийин!
Бормисан, омонмисан
Севги, Мен келдим, дейин!

ҚАТРАЛАР

Кўзим очилди

Эрта баҳор кунларининг бирида қишлоғимиздан укам телефон қилиб қолди:

— Ака, боғимиз бошида булоқ кўз очди. Бу йил сув сероб бўладиганга ўхшайди.

— Яхши-ку, — дедим қувончимни яширолмай.

Гўшакни қўйгач ўйладим. Бу булоқ нимадан дарак беради? Эсладим... Боғимизнинг бошида бир тепалик бўларди. Болаликда эртадан шомгача ўша ерда ўйнардик.

Мен пойтахтга ўқишга келгач, онам мени соғиниб, ўша тепаликка чиқиб йиғлар экан. Укажон, ахир, у булоқ суви эмас, онамнинг кўз ёшлари эмасмикан? Мабодо, ер қаъридан сизган сув онамнинг кўз ёшлари бўлса, у қачон тинар экан-а? Эҳ, каллаварам, ахир, бу ўзимнинг қўлимдаку. Айланай булоқ, сен нафақат ернинг, балки менинг кўксимни ёриб чиқдинг. Сўқир кўзларимни очдинг.

* * *

Қиш... Бор-йўғи уч ойгина. Қор қанча кўп ёғмасин барибир вақти келгач эрийди. Қор ҳеч қачон муқим бўлмагани каби мен ҳам сенинг қалбингда муқим қололмасам керак. Бироқ, қишдан сўнг майсалар униб чиқиши аниқ. Алалхусус — мен қалбингдан кетганим билан майсаларим кўзларингда илдиз отади. Азизам, бу ишқ марҳамати сенга бир умрга татийди.

Санжар ТУРСУНОВ

МАДАНИЯТ

МЕРОС

Имом ал-Бухорийнинг Лубнондаги курсиси

Буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорийнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ишончли ҳадисларини ўзида жамлаган "Саҳийҳ ал-Бухорий" асари ислом дини таълимотида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам бу бебаҳо асарнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва унда келтирилган юксак инсоний ғояларни одамлар онгига ва қалбига сингдиришда турли йўллар ва услублардан фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан араб мамлакатларидан бири Лубнон (Ливан)нинг Тароблус шаҳрида ўтказиладиган оммавий тадбир ўзига хос аҳамиятга эга, дейиш мумкин.

Гап шундаки, ўтган йилги Рамазони шарифнинг охирларида Лубнон (Ливан)нинг "Ас-Сафийр" ("Элчи") номли етакчи рўзномасида аллома Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ушбу шоҳ асарини хатм қилиш маросими ўтказилганлиги тўғрисида мақола эълон қилди. Имом Бухорий меросига араб дунёсида эҳтиромнинг нақадар чексизлигига ёрқин далилдир.

Лубноннинг шимолида жойлашган Тароблус ўз диний урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолган шаҳар сифатида алоҳида ажралиб туради. Бу ҳолни, айниқса, муборак Рамазон ойи муносабати билан ўтказиладиган маърифий аъмоллардан ҳам билиш мумкин. Мана шу тарздаги анъанавий маросимлардан бири азалдан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Имом ал-Бухорийнинг "Саҳийҳ ал-Бухорий" асарини хатм этиш маросими ҳисобланади.

Ражаб (ҳижрий камарийнинг еттинчи) ойи бошланиши билан шаҳарнинг балоғат ёшидан ўтган барча аҳолиси "Саҳийҳ ал-Бухорий" китоби мутолаасига астойдил киришиб, Рамазон ойининг охирги жума кунида (яъни уч ой — ражаб, шаъбон, рамазон давомида мутолаа қилганларидан кейин) уни хатм қилиш билан якунлайдилар. "Саҳийҳ ал-Бухорий" хатми муносабати билан тантанали маросим ўтказилиб, унда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалам, у зоти шарифнинг халифалари, сунний тўртала мазҳабнинг асосчилари бўлган буюк имомлару, дини исломнинг арконлари ҳақида маърузаю қасидалар ўқилади.

"Саҳийҳ ал-Бухорий"ни хатм қилишнинг тарихи етти юз йилга яқин бўлиб, у Мамлуклар султони Ал-Ашраф Носируддин Шаъбон II (1363-1376 йилларда ҳукмронлик қилган) асарни тўлиқ ўқиб, унинг хатм маросимини шодиёналик билан нишонлашни жорий қилган пайтдан буён давом этиб келади. Ўша даврдан бошлаб ислом давлатлари марказий шаҳарларининг ҳаммасида ушбу ажойиб тадбир одат тусига кириб тўлақонли адо этилади. Бироқ, замонлар ўтиши билан бу анъана арабий ва исломий марказларда ҳар хил сабабларга кўра барҳам топиб унутилган бўлса-да, фақат якка-ю, ягона Тароблус шаҳрида сақланиб қолган. "Саҳийҳ ал-Бухорий"нинг хатм маросими ҳар йили амир Тийнал масжидида Лубнон университети исломий қадриятлар факультетининг профессори доктор Муҳаммад ал-Хатийб бошчилигида тантанали равишда ўтказилади. Унда шаҳарнинг таниқли арбоблари ва машҳур шахслар Усмон ва аш-Шурбачий уруғларидан диний нашидаларни ижро этувчилар ҳам иштирок этадилар.

Доктор Муҳаммад ал-Хатийб бу ҳақда шундай ҳикоя қилади: Ражаб ойининг бошидан то Рамазон ойининг охирги жума кунигача "Саҳийҳ ал-Бухорий"нинг тўлиқ мутолаасидан кейин унинг хатм этилиш маросими бу азалий анъананинг гултожи ҳисобланади. Бу тақлийд (анъанавий одат) Мамлуклар улар Миср ва Шомда 267 йил (баҳрий мамлуклар 1250-1389 йиллар, буржий мамлуклар 1389-1517 йиллар) ҳукмронлик қилган пайтда жорий этилган бўлиб, бутун ислом оламида одат тусини олган. Дастлаб ушбу маросимни ўтказишда вақф ташкилотлари ҳомийлик қилиб, катта маблағлар ажратардилар. Тароблусда сақланиб қолган бу маросимни мамлуклар давридан сўнгги йилларгача ал-Ҳомидий ва аз-Зуъабий уруғлари ал-Аттор масжидида, ал-Ҳатийб уруғи эса Тийнал масжидида ўтказардилар. Аммо марҳум Ҳасан Холид муфтийлик қилган даври вақф ташкилотларининг бу йўналишдаги фаолияти ҳам, "Саҳийҳ ал-Бухорий"ни хатм қилувчи лавозим ҳам бекор қилинди. Шунга қарамасдан мен ўзим ота-боболарим ва аждодларим анъанасини давом эттирмоқдаман. Чунки, бу маросим туфайли одамлар Имом ал-Бухорий ҳазратларининг башорият олдидаги беназир хизматларига тасаннолар айтиб, бу улуғ зотга камоли эҳтиромларини изҳор қилади. Маросим иштирокчиларининг чексиз завқи-шавқлари-ю ҳаддан ташқари шодликлари, ҳеч қандай таъриф-тавсифга сиғмайдиган чексиз севинчлари-ю ҳаяжонлари, ҳис-туйғуларини ифода қилишга сўз ожизлик қилади.

Тароблус шаҳрида Имом ал-Бухорий курсиси (суянчиқли, кенг юмшоқ ўриндиқ) мавжуд бўлиб, у "Саҳийҳ ал-Бухорий"ни хатм қилиш маросими жорий қилиниши муносабати билан бундан 700 йил муқаддам махсус тайёрланган. Хатм маросими тантаналари пайтида бу курси йилда бир марта ташқарига олиб чиқилиб, қолган вақтларда Тийнал масжидининг ичида сақланади", — деди доктор Муҳаммад ал-Хатийб ўз ҳикоясини тугатиб.

Убайдулла УВАТОВ,
Имом Бухорий халқаро маркази директори,
тарих фанлари доктори, профессор.

ТАФАККУР

Устоз ўгитлари

Қуйида бутун онгли ҳаётини сўз санъати ва адабий танқидчилик ривожига бағишлаган улкан олим, жонкуяр устоз, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг "Довондаги ўйлар" номли китобидан ҳаёт ҳақиқатларига йўғрилган сатрларни саралаб, эътиборингизга ҳавола этаяпмиз. Зеро, ушбу теран, мушоҳадали жумларда муаллифнинг ҳаётда ўзи ҳис қилган, бир умрлик тажрибаларининг хулосалари акс этган.

Маънавий қашшоқ одам фақат манқурт бўлиши мумкин. Манқурт эса на Ватанни билади ва на онани танийди. Манқурт ёвузлар қўлида қурол бўлади, холос.

* * *

Мустақиллик одамларни ўз-ўзидан неъматларга, фароғатга кўмиб ташлайдиган афсонавий нарса эмас. Истиқлол ёки Мустақиллик бир имконият, холос. Бу имконият туфайли, унинг неъматларидан тўла фойдаланмоқ учун, юртимизни том маънода гулистонга айлантирмоқ учун ҳар бир одам, ҳар бир фуқаро чин дилдан, ҳалоллик, фидойилик билан курашмоғи, меҳнат қилмоғи керак.

* * *

Тарихий тараққиёт аллақачон шуни исбот қилдики, жамият иқтисодий жиҳатдан ҳар қанча қувватли бўлмасин, унинг маънавий рукнлари заиф ва чиркин бўлса, у мутлақо яшай олмайди.

* * *

Тараққиёт ҳеч қачон бирон нуқтага бориб тўхтаб қолмайди. Халқ ўзига чорлаб турган уфқлар сари тинимсиз одимлаб борадиган муаззам бир карвон, бироқ манзилига етиб-етмай унинг нигоҳи қаршисида янги уфқ, янги манзил пайдо бўлади. Янги уфқлар эса янги орзуларни, янги интилишларни туғдиради.

* * *

Ўтган фожиалардан, қонли қора кунлардан шундай хулоса чиқадики, қаерда тафаккур бўлмаса, кўнгил кўзи очиқ бўлмаса таҳлил ўрнини жаҳолат, нодонлик, маданиятсизлик эгалласа, қаердаки инсоният ўзидаги ҳайвоний майлларга, йиртқичлик инстинктларига эрк берса, ўша ерда фанатизм пайдо бўлади, фанатизм эса ақл нури билан бошқарилмайдиган, зўравонлик ва ўзбошимчаликларга кенг йўл очиб берадиган тизгинсиз майллар жунбушидир.

* * *

Инсон ҳаётининг энг улуғ маъноси бу дунёдаги ҳаётни муқаддас неъмат билиб, ундан баҳраманд бўлаётганига шукроналар қилиб, Соҳиби Қудратнинг яратувчанлиги орқали уни танишга интилиб яшамоқдан иборатдир.

* * *

Она тили гулга ўхшайди. Аммо гул бировнинг қўлида бир зумда сўлиб қолади, бошқа бировнинг қўлида эса яшнаб, барқ уриб очилади.

* * *

Ватанга муҳаббат бозорга солинадиган матоҳ эмас, балки инсон қалбининг тўрида гард юқтирмай покиза сақланадиган энг нафис, энг инжа бир туйғудир.

* * *

Ҳаёт шунақа ўжар дарёки, бир томонига тўғон қуриб саркаш сувни эплаб оламан десанг, бошқа томондан уриб кетганини билмай қоласан.

ЎзДЖТУ магистранти Дилноза СУЛТОНОВА тайёрлади.

СПОРТ

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ МАВҚЕИ ТУШМОҚДА

Яқинда ФИФА футбол бўйича дунё терма жамоаларининг февраль ойи учун янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўтган ойга қараганда 3 поғона пастга тушиб, рейтинг жадвалида 72 ўриндан жой олди.

Хабарингиз бор, миллий терма жамоамиз ўтган икки ой давомида учта ўйин ўтказган. Биринчи ўйинда Бирлашган Араб Амирлиги терма жамоасига қарши майдонга тушиб ғалаба қозонган вакилларимиз, иккинчиси учрашувда озарбойжонликлар билан дурангга имзо чекканди. 11 февраль куни эса Баҳрайн миллий терма жамоаси билан учрашиб, 0:1 ҳисобида имкониятни бой берди. Ушбу натижалар рейтинг жадвалидаги очколаримиз сонининг 9 тага камайишига олиб келди. Жадвални Европанинг амалдаги чемпиони Испания терма жамоаси бошқариб бормоқда. Ундан кейинги ўринларни Германия, Голландия ва Италия терма жамоалари эгаллашган. ОФК вакиллари орасида Австралия терма жамоаси биринчи ўринни эгаллаб турибди.

«ОЛМАЛИҚ» КУБОК СОҲИБИ

2009 йилги Ўзбекистон Футбол федерацияси кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур учрашувда "Олмалиқ" жамоаси "Бунёдкор" футбол клуби ўринбосарлари билан куч синашиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ўйиннинг 7-дақиқасида бурчакдан оширилган тўпни жарима майдонида рақибларидан илдамроқ ҳаракат қилган "Олмалиқ" жамоаси аъзоси Аъзам Шерғозиев дарвозага тўғри йўналтириб, ҳисобни очди. Орадан 12 дақиқа ўтиб эса собиқ Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳужумчиси Собир Усмонхўжаев дарвозага гол киритиб, орадаги фарқни иккитага етказди.

Иккинчи бўлимда "Бунёдкор" клуби вакиллари вазиятни ўнглаш учун бор эътиборларини ҳужумга қаратиши оқибатида ўз дарвозаларидан яна битта тўп ўтказиб юборишди. 57-дақиқада Бахтиёр Тоғаевнинг аниқ зарбаси "Олмалиқ" жамоасини 3:0 ҳисобида олдинга олиб чиқди. Ушбу баҳсдаги ягона жавоб тўпи эса учрашув якунланишига 5 дақиқа қолганида "Бунёдкор" жамоаси аъзоси Темурхўжа Абдухолиқов томонидан киритилди. Бу эса ҳеч нарсани ўзгартирмади.

Шу тариқа, "Олмалиқ" жамоаси 2009 йилги ЎФФ кубоги соҳибига айланди. Ўтган йилги мусобақада Ғузорнинг "Шўртан" футбол клуби зафар қучганди.

ВЕРА ЗВОНАРЕВА — ҒОЛИБ

Вера Звонарева Таиланднинг Паттайе шаҳрида ўтказилган халқаро теннис турнирида зафар қозониб, ушбу мавсумдаги биринчи, фаолияти давомидаги саккизинчи ғалабасини қўлга киритди. У финалдаги ўйинни ҳиндистонлик Саня Мирзага қарши ўтказиб, анча ишончли ҳаракат қилган ҳолда 7:5, 6:1 ҳисобида рақибини мағлуб этди. Шў ўринда мукофот жамғармаси 220 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур турнирда жаҳоннинг етакчи теннисчилари ҳам иштирок этганини айтиб ўтиш жоиз.

ТЕКШИРУВЛАР БОШЛАНДИ

Кўпчиликка маълумки, жорий йилнинг 18 февралидан 1 мартига қадар Чехиянинг Либерец шаҳрида тоғ чанғи спорт тури бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унда қатнашувчи спортчиларни допинг текширувларидан ўтказиш учун 420 та қон таҳлиллари текширилади. Сўнгги маълумотларга қараганда, допинг текширувларини ўн нафар махсус мутахассис, 6 нафар ҳамшира ва 24 нафар ёрдамчи кузатиб боради. Таҳлил натижалари 48 соат давомида аниқ бўлиши айтилмоқда.

КЕЙИНГИ ЙИЛДА 12 ЖАМОА

"Хонда" компанияси 2009 йилда ўтказиладиган «Формула-1» мусобақаларида қатнашмаслигини маълум қилганидан сўнг чемпионатда иштирок этадиган жамоалар сони 9 та бўлиб қолганди. Аммо ФИА президенти Макс Мосли яқинда ўтказилган матбуот анжуманида 2010 йилдан бошлаб мусобақаларда иштирок этадиган жамоалар сони 12 тага етишини маълум қилди.

— Глобал иқтисодий инқирозга қарамасдан, келгуси йилдан бошлаб Формула-1 чемпионатида 12 та жамоа қатнашади. Бунинг учун эса жамоаларга машиналарнинг эҳтиёт қисмлари арзон нархларда етказиб берилиши ва мусобақаларни эфирга узатиш ҳуқуқига эга компаниялар пулларни ўз вақтида етказиб беришлари керак. Шунингдек, жорий йилда «Формула-1» чемпионатида иштирок этадиган жамоаларнинг йиллик бюджети эълон қилинди. Маълум бўлишича, 270 миллион евро маблағ билан «Тойота» ва «Макларен» жамоалари пешқадамлик қилмоқда. Кейинги ўринларни «Феррари» (255 млн.), «Рено» (210 млн.), «БМВ-Заубер» (210 млн.), «Ред Булл» (120 млн.), «Уильямс» (100 млн.) жамоалари эгаллаган.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Газетанинг навбатдаги сони 2009 йил 4 март куни чиқади.

ХОТИРА

СЎЗГА САЙҚАЛ БЕРГАН АДИБ

Ўзбек адабиётида ёзувчиликни қисмат деб билган адиблар бармоқ билан санарли. Шулар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев ҳам бор эди. У шўро даврида замонавийлик ниқобидаги ўйинларда иштирок этмай, уни сокин кузатиб, фақат юраги буюрган мавзуларни қаламга олди. Мустақиллик пайтида шоир ва адибларимиз асарлари адолат тарозисига солиб кўрилганда, унинг деярли барча асарлари ғалвирдан бутун чиқди. Ўнлаб ҳикоялари, «Ўн саккизга кирмаган ким бор?», «Тўлқинлар» қиссалари, қатор эсселари, айниқса, «Қора камар» драмаси шулар жумласидандир.

Шукур ака ҳақиқий маънода серқирра иқтидор соҳиби эди. У дунёвий билимга эга бўлган адиб бўлиш билан бирга, ҳар соҳада ўз нуқтаи назарига эга, нутқи равон, овози жарангдор, бир сўз билан айтганда, у тайёр "телебошловчи" ҳам эди. Шу боисдан телевидениедаги ҳар бир чиқишида албатта, бирорта фикр айтарди. Шукур ака билан 1975 йилдан яхши таниш, ҳамфикр ака-ука эдик. Мен у кишини бир неча бор ҳамкорликда ишлашга даъват этдим. Бироқ, ҳар гал турли хил баҳоналар билан ўзини олиб қочарди. Бир куни дангал шундай деди:

— Ўролжон, телевидениеда бошловчилик қилиш ашулачи ёки ўртакашга кўпроқ ярашади. Ёзувчининг вазифаси эса асар ёзиш...

70-йилларнинг охирида Шукур акани «Ёзувчи ва замон» кўрсатувининг навбатдаги сонларидан бирига таклиф этдим. Кўрсатувга гапга чечан, ҳар ойда бир-икки марта телевидениега чиқмаса, кўнгли жойига тушмайдиган адабиётшуносларидан бири бошловчилик қиладиган бўлди. Кўрсатувда Шукур акадан ташқари ёзувчилар Ўткир Ҳошимов ҳамда Омон Мухтор иштирок этадиган бўлди. Одатдагидек жонли эфир олдидан, тракт (репетиция) қилиб олдик. Унда ким нима ҳақда гапиришини яна бир бор келишиб олдик. Шукур ака одатдагидек адабиёт ва ҳаёт муаммоларига оид ўзига хос кузатишларини ўртага ташлайдиган бўлди. Ниҳоят, 30 дақиқалик кўрсатув бошланди. Унда ҳеч ким кутмаган ҳодиса юз берди. Бошловчи гўё ҳеч нарса бўлмагандек, Шукур ака айтмоқчи бўлган барча тезисларни бирма-бир ўз номидан гапира кетди... Бу ҳолатдан ижодий гуруҳ ҳайрон қолдик. Шукур аканинг юзлари аввал оқарди, кейин қизарди, сўнг бўзарди. Ҳозир ҳаммамиз, Шукур ака тутақиб ёки ўрнидан туриб кетади, деб хавотирга тушиб қолдик. Лекин у киши қўлини иягига тираганича жим ўтирарди...

Мен Шукур акага икки жумла хат битиб, жонли эфир кетаётган залга югурдим. Унда шундай сўзлар битилганди: «Шукур ака, илтимос, ортиқча хатти-ҳаракат қилманг,эфирда бирон нарса юз берса мен қаттиқ жазо оламан». Тасвирчининг ёрдамида хатни бир амаллаб Шукур акага етказдим. Кўрсатув тугашига уч дақиқа қолганда бошловчи Шукур акани осмонга чиқазиб мақтаб, унга сўз берди. Шукур ака унинг юзига ҳам қарамасдан, «буёғини ҳам ўзингиз гапириб қўя қолинг», деб кинояли сўз қотди. Бошловчи бир тиржайиб, яна сайрай кетди...

Кўп йиллардан буён Шукур аканинг бирорта асари асосида видеофильм яратишни орзу қилар эдим. Ниҳоят, бу эзгу ният 1992 йили амалга ошадиган бўлди. Унинг ҳикоялари асосида икки қисмли «Қадимда бўлган эди» видеофильмини моҳир режиссёр Наби Раззоқов билан ҳамкорликда суратга олмоқчи бўлдик. Воқеа тоғли қишлоқларнинг бирида бўлиб ўтгани, асар қаҳрамонлари Сурхон ва Қашқадарё шевасида гапиришини ҳисобга олиб, фильмни Бойсун ёки Деҳқонободда суратга олишни, актёрларни ҳам икки вилоят театридан чақиришни режалаштирдик. Бу фикр Шукур акага ҳам маъқул келиб, бу масалани ижобий ҳал қилиш учун, постановкачи режиссёр Наби Раззоқов билан Сурхондарёга жўнаб кетди...

Орадан бир ҳафта ўтгач, улар ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб келишди. Шукур ака кўнглидаги гапларни яшириб ўтирмади: « Бир-икки «бойвачча» танишларим бор эди. Улар ҳам бозор иқтисодиётини рўкач қилиб, бу эзгу ишдан ўзини олиб қочди».

— Театр раҳбарияти билан ҳам тил топиша олмадик. У ерда кўчада қолишимиз аниқ, — деди Наби Раззоқов. — Майли, кўпам хафа бўлманг, Шукур ака. Мен ҳар эҳтимолга қарши Чироқчи тумани раҳбарларига расмий хат тайёрлаб қўйган эдим. Видеофильмни Чироқчининг Қалқама қишлоғида суратга оласизлар. У жойнинг табиати Бойсун ва Деҳқонободдан ҳечам қолишмайди. Набижон, тасвирга олиш учун 20 кун етадими? Ижодий гуруҳ ва артистлар учун ётоқхона, овқатланиш муаммоси бўлмайди, — дедим.

Орадан бир ой ўтгач, ижодий гуруҳ хурсанд ҳолда Чироқчидан қайтишди... Видеофильм монтажи, овозлаштириш жараёни тугагач, Шукур акани эфир олди кўригига чақирдик. У киши бир чеккада ўтириб, миқ этмай видеофильмни томоша қилди. Бир-икки бор кўзларида қувонч ёшлари ҳам пайдо бўлди. Айниқса, бахшининг термалари, чанқовуз куйлари янграган онларида чинакамига йиғлаб ҳам олди.

Кўрикдан сўнг бир пиёла чой баҳонасида Шукур ака, режиссёр ва мен бироз ҳасратлашдик. Буюк ёзувчи акамиз фильм пролог ва эпилогида берилган асарда йўқ бахши образини чинакам кашфиёт, асар ичида янграган куй ва қўшиқларни узукка кўз қўйгандек бўлибди, деб мақтади. Сўнг: "Мен бахшилар юрти Сурхондарёда ўсиб, юзлаб терма ва достонлар эшитган бўлсам-да, бундай ўзига хос нолали овоз ҳечам қулоғимга чалинмаган. Бу бахшини қаердан топдинглар? Ўролжон, эсингизда қолган бўлса, унинг бир-икки сатрини менга эслатинг. Мен нолага маст бўлиб матнига эътибор қилмабман," — деди.

Шомурод бахши Тоғаев асли Чироқчи бахшичилик мактаби вакили. Унинг отаси машҳур Тоғай шоир 1939 йилда йигирма йилга сургун қилинади. Бахши хотини вафот этгани боис кенжа ўғли Шомуродни ўзи билан Сибирга олиб кетади. У болалар уйида тарбияланган учун русчани она тилидан ҳам мукаммал билади. Ҳозир ҳам дўмбирада ўнлаб рус халқ қўшиқларини куйлай олади.

Суҳбат давомида мен бахши куйлаган термадан парчалар қайтардим. Бахши термасида «Латибамни синдириб, бўхчамни олиб кетган уйинг куйгар Маҳкам чол, яшшамагур Маҳкам чол, деб нола қилаяпти..."

— Латиба қулоққа тақиладиган сирғами?

— Йўқ, латиба қулоққа эмас, бурунга тақиладиган тилла тақинчоқ. Бўхча — момолар кийимини сақлайдиган матодан тикиладиган жамадон. Тўғрироғи, ҳозирги сандиқ.

— Чироқчиликларнинг ҳар бир сўзи учун изоҳли луғат керак экан да...

* * *

Ҳар гал сўз масъулияти ҳақида ўйлаганимда Шукур Холмирзаевнинг ана шу гапи ёдимга тушаверади. У бир умр асарлари учун янги сўз ва характер излади. Уларни ўзига хос лаҳжада гапиртиришга эришди. Шу боис, бундан 45 йил аввал атоқли адиб Асқад Мухтор мақолаларининг бирида «Мен ёш дўстим Шукурнинг тасвирлаш маҳоратига ҳавас қиламан. У ҳеч қачон воқеани баён этмайди, балки тасвирлайди», деб ёзганди

Шукур ака билан суҳбатлашишни чиндан жуда ёқтирардим. Суҳбатимиз қизиганда, беихтиёр оғзимдан 3-4 та фақат қишлоққа хос иборалар чиқиб кетса, у киши ёш боладай қувониб, «Вой тилингдан айланай, яна бир қайтар», — деб юборарди.

Зеро, у киши умрининг охирги йилларида анча касалманд бўлиб қолгани боис, вилоятларга деярли чиқмасди. 2005 йилнинг баҳорида Шукур акага Чироқчида ҳангомага айланиб кетган бир воқеани айтиб бердим. 70-йилларда Чироқчи туман ички ишлар бўлими бошлиғи меҳнат таътилини Ялтада ўтказиб, ота-онаси, қариндош-уруғларини кўргани Шўрқудуқ қишлоғига борибди. Унинг келганини эшитиб бир нечта девор-дармиён қўшнилар йиғилишибди. Улар сафида қишлоқ афандиси номини олган Қулин бобо ҳам бор экан. У ҳамма билан қуюқ сўрашгач, бошлиқ юзига ҳайрат билан узоқ тикилиб қолибди. У кўзига энди урфга айланаётган яшил рангли кўзойнак тақиб олган экан. У Қулин бобонинг унга тикилишидан бироз хижолат бўлиб, у ёқ-бу ёғини тузатгандек бўлибди. Бобо эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ёнидаги ёстиқни гоҳ у, гоҳ бу ёнбошига олиб, унга ҳамон тикилар, ҳар замонда «Эй, аттанг, эй, аттанг», деб қўярмиш. Бошлиқ ҳам бироз ажабланиб: "Ҳа Қулин бобо, нега «аттанг»лаб қолдингиз?" — дебди. У бошлиқнинг кўзойнагини сўраб олиб бир тақиб кўргач, яна бир «аттанглаб», сенинг Ялтага боришингни олдинроқ билганимда, шундан 15 тагина олиб келишингни илтимос қилардим...

— Шунча кўзойнакни нима қиласиз? Бу ҳам «дефецит».

— Болам, икки жилдан бери лалмида ҳосил битмаяпти. Бизлар учун арпа тугул сариқ сомон ҳам сен айтгандай «дефецит» бўб қолди. Кунимиз уч йиллик чирик сомонга қолаяпти. Бувангнинг 13 та совлиғи, 2 та болали сигири бор. Мен молларимга яшил кўзойнакдан биттадан тақиб қўйсам, қиши билан қорайиб кетган хашакни кўк беда деб еб ётармиди, деб ўйловдим, дебди Қулин бобо.

Шукур ака бу воқеадан таъсирланиб ўрнидан туриб кетди.

— Ана ўқимаган, авом одамнинг жайдари фалсафаси... Биз ҳам юрибмизда ёзувчиликни даъво қилиб, қаҳрамонларимизни чиройли гапиртириб...

Ўрол ЎТАЕВ

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. *ISSN* 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 236-53-92
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Элбек ЖУМАНОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 16414 Буюртма — Г-154 2345678